



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин юракдан муборакбод этаман.
Ўтиб бораётган йил халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар, эртанги кунга мустақкам ишонч ва улкан натижалар йили бўлди.
Дунёдаги мураккаб вазиятга

қарамасдан, биз ўз олдимизга қўйган барча мақсад ва марраларга эришдик. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 145 миллиард доллардан ошди ва мамлакатимиз ўрта даромадли давлатлар қаторидаги ўрнини мустақкамлади.
Иқтисодий ўсиш самараси одамларимиз ҳаётида, оилалар даромадида, маҳаллалар қиёфасида, ёшларимизнинг

келажакка бўлган ишончида яққол намоён бўлмоқда.
Ўтаётган йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда хурсандчиликлар, бахтли онлар кўп бўлди.
Янги уйга кўчиб кирган, ўз бизнесини йўлга қўйган ёки кенгайтирган, даромади ошган, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзи ёки фарзандларининг ютуқла-

ридан қувонган миллионлаб оилаларнинг шодлиги 2026 йилдаги мақсадларимизга эришиш йўлида бизга албатта катта куч беради.
Азиз юртдошларим!
Биз келгуси йилда ҳам ҳар бир оиланинг бахтли, фаровон ва соғлом ҳаёт кечириши, ёшларимизнинг сифатли таълим олишлари, келажак касбларини эгаллашлари ва спорт

билан мунтазам шуғулланишлари учун янги-янги имкониятларни ишга соламиз!

Биз 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилдик.
Янги йилда минглаб маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз.

Барча иқтисодиёт тармоқларини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказамиз. Халқимизнинг даромади ва харид қobiliятини ошириш ишларини янада жадаллаштирамиз.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, муҳтарам кексаларимиз, қадрли хотин-қизлар ва навқирон ёшларимизни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз.

Экологияни яхшилаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чораларни давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги 2026 йилда ҳам барча ислохотларимиз, саъй-ҳаракатларимиз одамларимиз яхши яшаши ва бизнес учун энг қулай шароитларни яратишга қаратилади.

Таърибали маҳалла раислари ва фаоллари, зиёлилар, тadbиркорларимиз, сергайрат ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз, ҳар бир ватандошимиз ушбу олижаноб ишларга муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман!

Азиз ватандошларим!
Янги йил арафасида ҳар бир оила яхши ниятлар қилади, ҳар бир инсон қалбида ёрқин орзу-умидлар жўш уради.

Ҳар биримизнинг пок ниятларимиз, эзгу мақсадларимиз 2026 йилда албатта амалга ошин!

Янги йил ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака, юртимизга юксак тараққиёт, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

Яратган Парвардигор Ватанимизни асрасин, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлидаги ишларимизда мададкор бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин, азизларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУГУННИНГ ШЕЪРИ



ЧОРЛОВ

Йигити қирқ ҳунарли эл бу,
Покдомондир гулнигорлари.
Ерида зар унарли эл бу,
Тилло бўлар чанг-ғуборлари.
Қадр туни келгандайин кел,
Йиллар аро улуғ бўлиб бил!

Қадамида ўти бор ёшлар,
Ватан меҳри кўзларида жо.
Юрагидан чиқар қуёшлар,
Бу ёшларга ҳавасда дунё.
Янги йилим, биз томон шошгин,
Шавкатли бўл, тўкин бўл, тошгин!

Абиралар камолин кўриб,
Шукр айтиб, шодлансин онам.
Ташишлардан юзини буриб,
Бахтга пешвоз бўлосин болам.
Кекса-ёшни бирдай сийлай бил,
Шодлик келтир, жоним, Янги йил!

Халқ кўнглини сўраса қай зот,
Икки дунё саодати ёр.
Инсон улуғ бўлган юрт обод,
Истиқболи бўлар устувор.
Кўнгил сўраб келдинг, тошди дил,
Саодатли бўлгин, Янги йил!

Тили билан дили бир халқим,
Тинчлик сенга боладай азиз.
Кўзин тикса бахтингга ҳар ким,
Кўзумчоғинг бўлайин ҳаргиз!
Ўтган йилдан бахтлироқ келгил,
Пойқадами қутлуғ, Янги йил!


Лайло ШАРИПОВА

МУНОСАБАТ

ТАРАҚҚИЁТ ХАРИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси йилнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири бўлди. Мурожаатнома нафақат давлат ҳокимияти органлари учун дастуруламал, балки ҳар бир фуқаро учун мамлакатнинг келажаги ҳақида тасаввур берувчи муҳим ҳужжатдир. Унда ўтаётган йилдаги тараққиёт натижалари сарҳисоб қилиниб, келгуси йил учун асосий устувор йўналишлар, вазифа ва стратегик режалар белгилаб берилди, энг муҳим ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, Ўзбекистон 2025 йилда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларга эришгани эътиборлидир. Оқилона юритилаётган сиёсат ва халқимизнинг фидокорлиги туфайли ислохотлар изчил давом этиб, миллий тараққиёт янги bosқичга кўтарилди. Жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирларининг узилиши, хомашё ва молиявий ресурслар нархининг кескин ошиши



кузатилаётган бир даврда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этмоқда.
Президентимиз сўнги тўққиз йилда амалга оширилган кенг қўлланми ислохотларга тўхталиб, иқтисодиётни тубдан янгилаш, бозор муносабатларини жорий этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида катта ютуқларга эришилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, мамлакатимиз тарихи-

да илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард АҚШ долларидан ошиши халқимизнинг улкан салоҳияти ва меҳнатсеварлигининг яққол намунасидир. Халқаро рейтинг агентликлари ўтказган таҳлилларда Ўзбекистоннинг суверен рейтинги кўтарилгани мамлакатимизга бўлган ишонч мустақамланиб бораётганини англатади.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

ТААССУРОТ

Хитой жаҳонда, жумладан, бизда ҳам энг кўп эсланадиган мамлакатлардан бири. Интернетда ҳам, вақтли матбуотда ҳам, радио-телевидениеда ҳам бу давлат такрор ва такрор қайд этиб ўтилади. Хитойнинг иқтисоди йилдан йилга жаҳоншумул равишда топаётгани унинг номини тилларда дoston этмоқда. Ўзбекистоннинг ҳам борган сари жадал ривожланаётгани ва халқаро обрўи ошиб бoргани сайин бу қудратли мамлакат бизнинг ишончли яқин ҳамкоримизга айланиб бoрмоқда. Бунинг учун, раҳбариятимизнинг мақтовга лойиқ амалий саъй-ҳаракати туфайли амал-

га оширилаётган улкан қўлланми шерикчиликни кўз олдимизга келтиришнинг ўзи кифоя. Чин улқасидан кириб келаётган инвестициялар ва қўшма корхоналарга ҳозир ҳеч ким фавқулodда ҳодиса деб қарамайди. Масалан, қишлоқ хўжалигимизда, хусусан, пахтачиликда эришганимиз бу йилги ютуқлар ҳам (республика бўйича ҳар бир гектардан 46 центнердан ҳосил олдик!) хитойликлар таърибасини ижодий ўзлаштириш туфайли рўй берди. Ҳамкорлигимиз минглаб нуқталарга бoриб тақаладики, барчасини санаш учун камина ожизлик қилади.

ХИТОЙ САРАФДИ

Бироқ бу ўзарo ҳамкорлиқнинг бaракали, бунёдкор ҳаракатлари жараёнида Чин юрти билан баҳамжиҳат ҳал этишимиз лозим бўлган бошқа жабҳалар ҳам борлиги тобора аён бўлиб қoляпти. Эҳтимол бу жабҳаларни шошмасдан кун тартибига киритилишида бардавом изланиш, кунт билан бажарилиши лозим ўринлар кўпчилиги ҳам ўз ролини ўйнаган бўлиши мумкин. Гап Хитой адабиёти ва маданиятини яқиндан ўрганиш, ўз навбатида, ўзбек адабиёти ва маданиятини шу тарзда хитойликларга таништириш ҳақида кетяпти. Мен Хитой ҳақида ўйлаганимда, бу буюк халқнинг адабиёти ва маданияти билан етарлича таниш эмаслигимга иқрорман.



(Давоми 3-саҳифада.) ➔



ТАРАҚҚИЁТ ХАРИТАСИ

Бошланиш 1-саҳифада.

Бу, ўз навбатида, инвестиция муҳитини яхшилаш, ташқи молиявий ресурсларни кенгроқ жалб қилиш учун имконият яратади.

Мурожатномада аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий ислохотларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Камбағаллик даражасининг сезиларли даражада қисқариши, миллионлаб инсонларнинг даромадли бўлиши, “камбағалликдан холи маҳаллалар” сонининг ортиши давлат сиёсатининг самарасини кўрсатади. Айниқса, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш, инклюзив таълимни жорий этиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар жамиятда ижтимоий адолат ва тенг имкониятлар тамойилини мустаҳкамламоқда.

Жумладан, 2025 йилда экспорт ҳажми 23 фоизга кўпайиб, 33,4 миллиард долларга етказилгани қайд этилди. Олтин-валюта захиралари илк бор 60 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларга етди. Қўрилган чора-тадбирлар туфайли 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Ортимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга қисқарди. Мамлакатимиз том маънода улкан қурилиш майдонида айланди. Янги уй-жойлар, таълим ва маданият масканлари, ммаҳобатли кўприklar, равон йўллар, сўлим боғу хиёбонлар юртимиз кўркам кўрк бағишлаб, халқимизнинг ҳаёт сифатини юксалтирмоқда.

Ўзбекистон Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбни бирлаштирадиган марказга айланиб бормоқда. Октябр ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ноябрь ойида ўтказилган Марказий Осиё ва АҚШ саммити, яқинда Токиода Марказий Осиё ва Япония етакчиларининг учрашувида эришилган келишувлар кўп томонлама ва узоқ муддатли шериклики янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади. Ўтган ҳафтанинг бошида Санкт-Петербургда МДХ давлатлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ҳамкорлигининг янги йўналишларини белгиллаб берди.

Маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз ҳам тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади. Маҳалладаги ижобий муҳит фуқароларнинг фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги кўприк вазифасини ўтаб, давлат сиёсатининг бевосита



аҳолига етиб боришини таъминлайди.

Президентимизнинг 2026 йилни “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиш таклифи маҳалла институтига бўлган эътиборнинг янги босқичга кўтарилишини англатади. Ушбу ташаббус маҳалла тизимини янада мустаҳкамлаш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва ижтимоий-сиёсий ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли давлат дастурларини амалга оширишни белгилаб беради. Маҳалладаги ислохот ҳар бир хонадонга кириб бориш, ҳар бир инсон тақдирини билан қизиқиш, унинг орзу-мақсадларини рўёбга чиқарадиган тизим яратиш демакдир.

Давлатимиз раҳбари 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим ва устувор йўналишларни белгилаб берди. Президентимиз таъбири билан айтганда, 2026 йил давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизимини – барча-барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлади.

Биринчи устувор йўналиш маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, унга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат бўлса, иккинчи устувор йўналиш – иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишни қамраб олади. Келгуси йили иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсиш ва ялпи ички маҳсулотни 167 миллиард долларга етказиш прогноз қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари учинчи устувор йўналиш – ички бозорда талабни рағбатлантириш масаласига алоҳида тўхталди. Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратилади. Уй-жой сотиб олишда бошлангич тўлов ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта

квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредитининг миқдори 15 фоизга оширилади.

Ички темир йўлларни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Шаҳарларни тезйорар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан яна 500 километр темир йўл қурилиши бошланади. Автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади.

Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш келгуси йил дастурининг тўртинчи устувор йўналиши бўлади. 2026 йилдан бошлаб ҳар йили камида 100 тадан техникум тўлиқ таъмирланиб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борилади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея Республикаси каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сони 100 тага етказилади.

Бешинчи устувор йўналиш – экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга оид. Экология ҳаёт-мамонт масаласи экани бугун тобора ойдинлашмоқда. Шу боис, экологияни асраш ва “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги ишлар янги босқичда давом эттирилади. Жумладан, йирик корхоналарга филтър, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станциялари ўрнатиш учун 100 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Шаҳарлардаги тирбандликлар одамлар ҳаётини қийинлаштириш билан бирга, экологияга ҳам жиддий зарар етказмоқда. Шу боис, дунё тажрибасидан келиб чиқиб, автомобиллари чиқараётган зарарли моддалар даражасига қараб экологик стикерлар бериш тизими жорий этилади. Катта

миқдорда зарарли моддалар чиқарадиган автомобилларнинг пойтахт ва вилоят марказлари ҳамда шаҳарларга кириши чекланади. Бундай транспорт воситаларини янгисига алмаштириш ёки уларга филтър ўрнатиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш тадбирлари амалга оширилади.

Олтинчи устувор йўналиш – замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотлар давом эттирилади. Аввало, 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳуқуқат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг мингдан зиёд давлат хизматлари, 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 мингдан зиёд давлат хизматчиларининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади. Энг муҳими, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилсиз, коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи экотизим яратилади.

Проктив ва жамлама шаклда давлат хизматларини кўрсатиш тизими ривожлантирилади. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини емирадиган энг жиддий таҳдид. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқуллодда ҳолат” эълон қилиниши айтилди. Хусусан, барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилади. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилади.

Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади. Жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бораётган мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилона ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолият давом эттирилади. Нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, иқтисодий институтлар билан яқин ҳамкорлик янги босқичга олиб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ҳаётбахш ташаббуслар ва белгилан берилган долзарб вазифалар халқимизни рози қилиш. Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Барча юртдошларимиз қалбида, онгу руҳиятида бир тебраниш, жўшқинлик ва кўтаринкилик уйғотган Мурожатнома ҳар биримизни ҳаётга теран назар ташлашга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик, фидойилик ва бедор қалб билан яшашга даъват этади.

Жамолиддин БАДАЛОВ

ДИЛ ИЗҲОРИ



ЮКСАКЛИК ЁР БЎЛСИН!

2025 йил мен учун жуда омадли келди. Бир йил ичида каратэ бўйича Осиё чемпионати ҳамда МДХ ўйинларида олтин, Ислон бирдамлиги ўйинларида кумуш медални қўлга киритдим.

Ноябрь ойида Жаҳон чемпионатида иштирок этиб, олтин медал эгасига айландим. Шу тариқа кумитэ йўналишидаги жаҳон чемпионлари рўйхатида ўзбекистонлик аёл спортчининг ҳам номи ёзиб қўйилди. Мен учун бу ғалаба фақат шахсий ютуқ эмас, балки Ватанимиз байроғини халқаро майдонда баланд кўтариш бахтидир.

Янги йилда 20 ёшга тўламан. Ўтган асрнинг 20-йилларида Германияга ўқишга жўнатилган туркистонлик талабалар орасида мендан ҳам ёш қизлар бор эди. Афсуски, уларнинг фидокорона хизматлари қадр топмади. Бугун биз нуфузли мусобақалардан ғалаба билан қайтар эканмиз, Президент совғаларига лойиқ кўриламиз.

2026 йилда тенгдошларимга, қадрли спортчиларга янги ва юксак ютуқлар ёр бўлишини тилайман!

Гулшан АЛИМАРДОНОВА,
Каратэ WKF бўйича жаҳон чемпиони

ЗАМОН НАФАСИ

Марказий Осиё – тарихан карвон йўллари кесишган, бугун эса янги иқтисодий йўлаklar, янги бозорлар ва янги имкониятлар тугилаётган ҳудуд. Минтақадаги давлатларнинг ўзаро боғлиқ логистикаси, умумий сув-энергетика тизимлари, меҳнат миграцияси ва маданий яқинлиги иқтисодий ҳамкорликни табиий заруратга айлантиради.

Сўнгги йилларда минтақа давлатлари иқтисодиётининг фаоллашуви, энг аввало, ташқи савдо динамикасида яққол кўзга ташланади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ўсиш янги иш ўринлари, қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари учун янги бозорлар, хизматлар экспорти, инвестициялар учун кенг имкониятлар яратмоқда.

ЙЎЛ БЎЛСА – БОЗОР БЎЛАДИ

Марказий Осиё иқтисодий ўсишининг муҳим драйвери – транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва янги халқаро йўлаklarни очишдир. Бу ҳақда минтақа расмий ва ишбилармон доираларидаги муҳокамаларда умумий бир фикр илгари сурилмоқда: “Логистика бу рақобат демакдир”. Ҳатто ШХТ саммитларида ҳам янги транспорт йўлаklarини очиб ва ривожлантириш барқарор тараққиёт шарти экани доимо таъкидланиб келган.

Энг йирик воқеалардан бири: Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли лойиҳасининг кўп йиллик музокаралардан сўн амалий босқичга ўтишидир. Хусусан, 2024 йил июнида Пекинда уч давлат ҳукуматлари томонидан мазкур темир йўл қурилиши бўйича битим имзоланди. Йўлнинг умумий узунлиги 532 кмдан ортиқ бўлиб, 20 та станция, 42 та кўприк ва 25 та туннель

РАВНАҚИМИЗ ГАРОВИ



қурилишини ўз ичига олади. Ушбу лойиҳа 2030 йилга қадар якунланиши ва унинг бошланғич қуввати йилгига 15 млн тонна юк ўтказиши режалаштирилмоқда.

Иккинчи муҳим йўналиш: Транскаспий халқаро транспорт йўлаги ҳисобланади. Ушбу маршрут Россия ва Эрон орқали ўтадиган анъанавий йўлларга нисбатан тахминан 3000 км қисқа бўлиб, геосиёсий хавфлар шароитида эса стратегик муқобил сифатида кўрилкоқда. Масалан, 2021 йилда бу йўлакдан бор-йўғи 350 минг тонна юк ўтган бўлса, 2024 йилга келиб юк ҳажми 4,1 млн тоннага етди, 2030 йилгача эса ушбу кўрсаткичнинг 11 млн тоннагача ўсиши башорат қилинмоқда.

Минтақа давлатлари учун яна бир долзарб йўналиш: Афғонистон орқали денгизга чиқишдир. Маълумки, Марказий Осиё учун денгиз портларига чиқиш азалий орзу

бўлиб келган. “Термиз – Мозори Шариф – Кобул – Пешовар” Транс-Афғон темир йўлининг барпо этилиши ана шу муаммонинг ҳал этилиши ва шу орқали минтақа халқларининг асрий орзуларининг рўёбга чиқишига асос бўла олади. Ушбу йўналиш нафақат экспорт-импорт харажатларини туширади, балки Марказий Осиё давлатлари ва Жанубий Осиё минтақаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий ришталарнинг боғланиши ва мустаҳкамланишига, бевосита, ижобий таъсир ўтказиши.

“ҲАММА БОЗОР БИР БОЗОР” ЭМАС

Ҳамкорликнинг илк мезони савдодир. Зероки, савдо бор жойда барака бўлади, халқ фаровон яшайди. Сўнгги йилларда минтақа давлатлари раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўзаро савдони энгил ва тез амалга ошириш учун муайян

даражада қулайликлар яратилмоқда. Аммо бу борада ҳали қилинадиган ишлар талайгина. Жумладан, чегарадан ўтиш тартиблари енгилаштирилса, божхона жараёнлари рақамлаштирилса, транспорт воситаларининг ўтиши тезлаштирилса, ўзаро савдо янада самаралироқ бўлар эди. Боиси, тадбиркор учун қўшни давлат хориж эмас, балки кенгайган ички бозорга айланади. Бир мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшни давлатда тез сотилиши натижасида, аввало, логистика арзонлашади, қолаверса, етказиб бериш муддатлари қисқаради, валюта ва тўлов хавфлари камаяди ва бир-бирини яхши тушуниш, яъни тил, стандартлар, истеъмол одатларининг яқинлиги туфайли бизнес янада ривожланади.

ИНВЕСТИЦИЯ – ИШОНЧ ДЕМАК

Маълумки, савдо ҳар қандай ишлаб

чиқаришни рағбатлантиради, ишлаб чиқариш эса инвестициясиз ўсмайди. Марказий Осиёда инвестиция оқимлари ҳам бир хил эмас, бу борада Ўзбекистон ҳозирда пешқадамликни ушлаб турибди, яъни 2024 йил маълумотларига кўра, мамлакатимизга қилинган жами инвестициялар ҳажми 36 млрд АҚШ долларидан зиёд бўлган. Қозғистонда эса бу кўрсаткич 23,6 млрд долларни ташкил этган. Инвестиция ҳажми Тожикистонда 4,9 млрд доллар, Туркменистонда 1,4 млрд доллар ва Қирғизистонда 873 млн доллар бўлгани қайд этилган.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида бир-бирига бўлган ишончнинг ортиши, маълумотлар алмашинувининг йўлга қўйилиши, стандартларнинг яқинлаштирилиши, логистиканинг ягона рақамли ҳужжат айланмасига ўтиши хорижий сармоядорларда ҳам қатъий ишонч пайдо бўлишига сабаб бўлади. Зеро, инвестор учун бозор ҳажми фақат аҳоли сони билан эмас, балки қонун-қоидаларнинг барқарорлиги ва логистиканинг тўлақонли ишлаши билан аҳамиятлидир.

Жорий йилнинг 15 ноябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг VII Маслаҳат учрашуви ушбу йўналишдаги муҳим босқич сифатида қайд этилди. Учрашувда иштирокчи мамлакатлар раҳбарлари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурдилар.

Албатта, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги нафақат бугунги шиддатли замон талаби, балки у шу заминда яшовчи халқларнинг равнақи ва фаровонлигини таъминловчи ягона йўлдир.

Равшан АБДУЛЛАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор



ЁШ ИЖОДКОРЛАРГА ЭСЛАТМА

Мен атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларига, адабнинг “Ёшлар билан суҳбат” китобидаги қимматли маслаҳат ва ўғитларига тез-тез мурожаат қилиб тураман, улар менга ижодкорнинг адабиёт олдидagi масъулиятини эслатиб туради.

Қолаверса, мен дастлаб ўқиган ва хотирлаб қолган бадиий асар “Ўжар” ҳикояси эди. Ушанда, адашмасам, 4-синфда ўқирдим. Бадиётта қизиқиб, бир нималар ёзишни машқ қила бошлаган кезларимда мактаб дарсликларидagi Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун каби машҳур шоир-ёзувчиларнинг суратларига қараб ҳавас қилар, аммо ўша пайтда уларни қачондир ҳаётда кўраман, бир куни менинг ҳам ҳикояларим мактаб дарсликларига кирди, деган фикрни ҳаёлимнинг бир чеккасига ҳам келтирмаган эдим. Тақдиримдан миннатдорманки, ана шу улугларимизни яқиндан кўриш, уларнинг суҳбатларида бўлиш, минбарларидан айтган гапларини эшитиш насиб этди.

“Мен Ғафур Ғуломни кўрганман” деган мўъжазгина хотираномамда шоирни Ёзувчилар уюшмаси ўтказган “Кулги кечаси”да, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фойеида кўрганганим баён этганман. Ойбекни ҳам уюшмадаги йиғилишларда (бир гал унинг нутқини ёзувчи Ҳамид Ғулом ўқиб берган эди), охириги марта Чигатой қабристониди, Абдулла Қаҳҳор дафн этилаётганда, қазилаётган қабрдан берирокдаги ёғоч ўриндиқлардан бирида умр йўлдоши Зарифа Саидносирова билан ўтирганида кўрганман. Устоз адибнинг кенг, забардаст елкаларига эмас, салобатли бутун гавдаси силкиншидан қадрдон дўсти, мўътабар бир ёзувчидан жудо бўлгани учун юрак-юракдан, унсиз йиғлаётганини фаҳмлаган эдик. Бир куни курсдошлар билан (Тошкент давлат университети филология факультетининг тўртинчи курсида ўқирдим) турганимизда, ёнимиздаги дурустгина кийинган кимсалардан бири шериғига қараб, адиб эшитадиган даражада ачинганнамо “Ойбек ҳам қариб қопти,

а?” деганида, унинг бефаросатлигидан жуда аччиқланганимиз ҳам кечагидек ёдимда.

Абдулла Қаҳҳорнинг Ёзувчилар уюшмасидаги бир йиғинда минбарда туриб, “Менчалик меҳнат қилса, маймун ҳам ёзувчи бўлиб кетарди”, деган гапидан ниҳоятда ҳайратланганман. Факультетимиздаги талабалар билан учрашувда унинг гапларидан ҳам кўра, тадбирдан сўнг ташқарида ўраб олишган йигит-қизлар даврасида жуда бемалол суҳбатлашгани, ҳар турли саволларга эринмай, оғринмай жавоблар берганида, шундоқ салобатли, маҳобатли, сирли (биз ёшларга шундай туюларди) ёзувчининг камтарлигига қойил қолганман.

Абдулла Қаҳҳорнинг 1967 йили Алишер Навоий театрида ўтган 60 йиллик юбилейида кейинчалик шовшув бўлган “Кўплар менга сиз катта идораларнинг олдидан честь бериб ўтмайсиз, деб таъна қилишди, мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман”, деган гапини ўша залдагилар қатори мен ҳам ўз кулоқларим билан эшитган ва бошқалардек мен ҳам ёзувчининг жасоратига тан бериб, унга ихлосим янада ортган, шу билан бирга, бир вақтларгача энди нима бўларкин, деб хавотирланиб юрган эдим. У пайтларда бундай гапни айтиш шунчаки дадиллик, дангаллик эмас, балки ҳақиқатан жасорат ҳисобланарди.

Ёзувчининг Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби истеъдодли ёшларга ғамхўрлик, қўллов ва алқов билан ёзган хатлари филолог талабалар орасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлган. Ҳа, Абдулла Қаҳҳор юраги бақувват шахс, катта ёзувчи, жонкуяр устоз эди.

Мен адибнинг асарларини таҳлил қилишга ўзимни ҳақли деб билмайман. Қолаверса, унинг ижоди тўғрисида йирик адабиётшунос олимлар, академиклар, таниқли ҳамкасблари, замондошлари томонидан юзлаб мақола ва йирик-йирик монографиялар ёзилган ва уларда муносиб

баҳо берилган.

Абдулла Қаҳҳор ҳаётлигидаёқ классик деган макомга ҳақли равишда сазовор бўлган, чунки у том маънода ўзига хос услубли, ҳикоячиликнинг ёзиш санъатининг пири калони эди. Рус ёзувчиларидан бири: “Биз ҳаммамиз Гоголнинг “Шинель”идан чиққанмиз”, деган экан. Шу гапга муқояса қилиб айтиш мумкинки, адабиётимиз юксалишига ўзларининг турли жанрлардаги бақувват асарлари билан катта ҳисса қўшган қатор ёзувчилар, ҳатто шоирлар ҳам, чунончи, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Носир Фозилов, Ўлмас Умарбеков, Неъмат Аминов, Жонрид Абдуллахонов, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов ва бошқалар Абдулла Қаҳҳорнинг кенг ва бақувват қанотлари остида чикқан эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг романчилиги ва драматургиясини кўя турайлик-да, ҳикоячилигини олайлик. Менимча, атоқли Америка ёзувчиси саккиздан бир қисмигина сув юзасида кўриниб турадиган айбсбергга қиёслаган бу жанр ёзувчимиз ижодида янада юксак поғонага кўтарилди. Собик Иттифок миёсасидаги таниқли сатирик ёзувчи Леонид Ленч устоз адибнинг “Тўйда аза” ҳикояси ҳақида шундай бир гапни айтган экан: “Одамнинг ўлими ҳақида кулгили қилиб ёзиш жуда қийин иш. Бу фақат Чеховнинг қўлидан келарди. Фақат французлар бунинг урдасидан чиқишарди. Ҳозир бизда бунинг эплайдиган ёзувчи камдан-кам топилади. Бунинг қарангки, Абдулла Қаҳҳор шундай қирини ишни бемалол бажарибди”. Яна бир таниқли олима В.Смирнова ўз китобларидан бирида “Ўғри”, “Анор”, “Майиз емаган хотин” ҳикояларини жаҳон ҳикоячилигининг энг яхши намуналари қаторига киритган. Аёнки, ҳар қандай зўр ёзувчи бисотида ҳам энг яхши намуна кўп бўлмайди.

Ўйлайманки, санъат даражасига кўтарилган юқоридagi асарларини ва улардан ташқари, китобхон неча

марта қайта мутолаа қилса ҳам даҳшатга тушаверадиган “Даҳшат” ҳикоясини ўқиганида, Гоголь ҳам, Чехов ҳам, закий адабиётшунос ва адиб Фитрат домла таъбири билан айтганда, Абдулла Қаҳҳор ёнидан шляпаларини қўлларига олиб, таъзим бажо этиб ўтган бўларди.

Абдулла Қаҳҳорнинг энг яқин шогирдларидан бири, устоз қаби кўплаб ёш ижодкорларнинг бошини силаган Носир Фозилов шундай деб ёзади: “Ҳикоя жанрида Абдулла Қаҳҳорнинг етуқлиги, унинг қандай ёзувчи эканлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳождати бўлмаса керак... Назаримда, у кишининг ҳар битта кичик ҳикоясининг ўзи бир оламга, катта жанрдаги бир асарга татигулик”.

Ҳўш, адиб шундай ихчамлик ва бир сўз билан кўп маънони ифода-лашга, филология фанлари доктори, адабиётшунослик илмининг пешволаридан бири Матёқуб Қўшонов айтганидек, жумлаларидан бирон сўзни алмаштириб бўлмайдиган маҳоратга қандай эришган? Яна улуг мунаққид ёзади: “Абдулла Қаҳҳорнинг ёзувчиларимиз ичида сўзга энг моҳири дейдилар. Бу гап ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак. Сўзларни маънодор қилиб ишлатишда, ихчам жумлага катта мазмун бағиш-лашда, фикрни лўнда ва аниқ қилиб бера билишда Қаҳҳор ўз сафдошлари ичида фахрли ўринни эгаллайди”. Иштибоҳ йўқки, ҳали-ҳамон шундай.

Мен кичик бир ҳикояси ё бир саҳифага етмайдиган шеърини ҳам нари борса икки-уч бора кўчирадиган ва ўзининг омадсизлигидан нолиб юрадиган қаламкашларга Абдулла Қаҳҳор билан боғлиқ яна бир воқеани эслатгим келди. Унинг дўкондан бир қўлтиқ қоғоз сотиб олганини кўрган ҳамроҳи: “Абдулла ака, янги роман бошланибди, шекилли-а?” дея ўсмончилаганида, ёзувчи: “Бу қоғоз битта ҳикояга етса кам катта гап”, дея жавоб берган экан.

Юқориди Абдулла Қаҳҳорнинг



ижод жараёнида қандай меҳнат қилиши хусусидаги эътирофини келтириб ўтдик. Адиб “Бир хатга жавоб”ида ўша фикрини давом эттириб ёзади: “*Мен ёзилган жумла-ни, ҳатто, саҳифани ҳам устидан тузатолмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифадаги бир сўзни ўчириб, ўрнига бошқасини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15-16 марта кўчирман, шубҳасиз, ҳар сафар саҳифага сайқал берман*”.

Буларнинг барчаси, адибнинг ўзига нисбатан ниҳоятда талабчанлиги ва бадиётни муқаддас деб билганига, нардан-бери ёзилган бўлар-бўлмас нарсалар билан адабиётнинг қадрини тушириб юборишга ҳатто ўзи қаби тажрибали ёзувчининг ҳам ҳаққи йўқлигига, ихчамлик, асарнинг пишқи-пухталиги, тилдаги миллийлик, диалоглардаги ўта ҳаётийлик ва жонлилик, китобхон кўз олдида муҳрланиб қоладиган характерлар яратиш маҳорати ва барҳаётлигидаёқ классик мартабасига эришишининг сири ана шу ўш марта-лаб қайта ишлаш ва қайта кўчиришларда, романга етуқлиқ қоғозни бир ҳикоя учун саранжом қилиб, аёвсиз заҳмат чекишда эканлигига ишора, далил эди.

Устоз адибнинг ўз даврида истаб-сўраб ўқилган “Ёшлар билан суҳбат” китобидаги қуйидаги сўзларини ижод ҳавасида юрган ёшларимиз ва бошқалар ҳам мағзини қақиб, улар-

дан зарур хулосалар чиқариб олса, ўзлари учун ҳам, адабиётимиз камоли учун ҳам фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман: “Адабиётимиз тарихида шундай ҳодисалар бўлади: ёзувчи битта асар ёзади-ю, мақтов кутиб атрофга қарайди, ҳеч ким эътибор қилмаса, хархаша бошлайди, нима учун мен фалон рўйхатда йўқман?... Нима учун фалон танқидчи мени кўтармайди? Ёзувчини ҳеч қачон, ҳеч ким кўтармайди. Яхши ёзувчини яхши асарлари кўтаради, яхши ёзувчи кўтарилиб кетганини ҳатто ўзи ҳам билмай қолади”.

Абдулла Қаҳҳор қалби, бутун вужуди билан адабиётнинг шаффофлиги, мавқеи, шарафини истеъдодсизлардан, хом-хатала асарлардан муҳофаза қилиб турадиган қалқон эди. Шу боис, талабни қаттиқ кўярди, яъни бола тарбиясига узоқни кўзлаб, фақат оила учунгина эмас, балки жамият учун ҳам муҳимлигини ўйлаб қаттиққўллик билан ёндашидан ота мисоли эди. Образли қилиб айтсак, адабиёт майдонини хас-хазонлардан тозалаб турадиган саришта боғбон эди.

Ёзувчи “китобхон олдида ҳар бир жумласи учун жавобгарлиги” тўғрисидаги эътиқодий ақидасига ва бошқа талабларига аввало ўзи риоя қилгани ва ўзгаларни ҳам шунга даъват этгани учун ҳам, унинг ижоди ўрганиш ва сабоқ мактаби, малака ибрати бўлиб қолаверди.

Қамчибек КЕНЖА

ОЙДИНЛАР

Филология фанлари доктори, профессор, “Дўстлик” ордени соҳиби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нурбой Жабборов олтимиз ёшга тўлди. Ғалвирни, йўқ, балки тўрни сувдан кўтарадиган ёш. Тўғрими? Тўрга кам балиқ илинган бўлса, у енгилгина тортилади. Кўп балиқ тушган бўлса-чи?

Томир. Бир гал таниқли адабиётшунос ва санъатшунос Шухрат Ризаев Нурбой домланинг Деҳқонобод туманидаги Откамар қишлоғида яшовчи 100 ёшга етган отаси Абдулҳаким бобо зиёратига борганини: “Ана нурунийлик, мана донишмандлик! Ана илм-маърифат, мана фаҳм-фаросат! Ана йимон, мана эътиқод!” дея ҳаяжон билан сўзлаб берган эди.

Эшитиб қувондим-у, ажабланмадим. Ҳар ҳолда, қарийб қирқ йиллик ижод давомидида 815 номда илмий, илмий-оммабоп ва илмий-публицистик материал эълон қилиш шунчаки оддий одамнинг иши эмас. Камига шундан ўнга яқини — монография ёки рисола бўлса. Томири бақувват бўлмаган дарахтдан мўл ҳосил олинмайди-да.

Йўл. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультетида талаба, орада икки йил армия хизмати, ЎзФА Ҳамид Сулаймонов номидagi Қўлғезмалар институтида катта лаборант, аспирант, илмий ходим, ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида докторант, ЎзМУда доцент, кафедра мудири, Ўзбек филологияси факультети декани ва 2017 йилдан ҳозирга қадар Алишер Навоий номидagi Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик” кафедраси мудири... Булар — олимнинг асосий меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар.

Мувозана. Катта йўлларнинг икки биқинида мувозана — параллел равишда кичик йўллар ҳам бўлади. Олимларнинг ўриндошлик асосидаги ишларини ўшаларга менгаш ўринли. Жамият фаол олимдан ҳадди аълосида фойдаланишга ҳаракат қилаверадилар.

Ноширлик савоби. У нашрга тайёрлаган мумтоз адабиёт намуналари, унинг тўпловчилиги, муҳаррирлиги ёки тақризилигида чоп этилган илмий тўпламлар ҳам салмоқли. Ростини гап, ҳатто ўзинг ёзган нарсаларни тўплаб, тартибга солиб, бир китоб ҳолига келтириш — анча машаққатли иш. Кўплар



эринганидан ўз битикларини тўпламлар қилиб улгурмайди ҳам. Шундай экан, олимнинг Абу Ҳомид Ғаззолий, Абдурахмон Жомий, Сўфи Оллоёр, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Иброт, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Мулло Олим Маҳдум Ҳожи, Шариф Юсулов, Беғали Қосимов ва бошқалар асарларини, “Бобо Равшан” халқ достонини нашрга тайёрлаганидаги меҳнатнинг миқёсини кўз олдингизга келтириш. Яна қанча-қанча китобга муҳаррир, тақризчи, сўзбоши муаллифи бўлган.

Шогирдпарварлик. Олимларнинг ҳаммаси ҳам шогирдпарвар бўлавермайди. Бир диссертация ишига илмий раҳбарлик қилиш учун ҳам хайрихоҳлик, бағрикенглик, сабр-бардош, энг муҳими, вақт ажратиш керак.

Яқинда ректорлар иштирокидаги бир жиддий йиғилишда профессор Бахтиёр Менглиевнинг 78 нафар шогирдга илмий иш ёқлатишгани, шунинг 21 нафари фан доктори экани айтилганда, бутун зал қарсақ чалиб юборди. Ахир, у мамлакатга шунча кадр тайёрлаб берган-да.

Бу борада Нурбой домла ҳам пешқадам устозлардан. Шу пайтгача унинг илмий раҳбарлигида 8 фан доктори, 6 фан номзоди, 23 фалсафа доктори ва 75 магистрлик ишлари ёқланди. Диссертация расмий оппо-

нент бўлиш ҳам жиддий, масъулиятли иш. У 9 докторлик, 6 номзодлик ва 29 фалсафа докторлиги диссертациясига расмий оппонент бўлди.

Навоийшунослар таснифи. Камина олимларга икки нуқтаи назардан қарайман: академия тизимидан чиққан олимлар ва академия тизимини кўрмаган олимлар. Навоийшуносларимизни ҳам шартли равишда уч тоифага ажратамиз. Биринчи тоифага Навоий ижоди бўйича ҳам номзодлик, ҳам докторлик диссертациялари ёки улардан бирини ёзиб ёқлаганлар (А.Ҳайитметов, Ҳ.Сулаймонов, А.Абдуғафуров, С.Ғаниева, Ё.Исҳоқов, М.Муҳиддинов, Қ.Эргашев, Ш.Сирокиддинов, О.Давлатов, М.Асадов, Ҳ.Эшонқулов ва бошқалар) киради. Иккинчи тоифага номзодлик ёки докторлик диссертациясида, жумладан, Навоий ижодини ҳам ўрганганлар (Р.Орзибеков, И.Ҳаққулов, А.Багиров ва бошқалар)ни киритамиз.

Нурбой домла учинчи тоифага киради. Булар — номзодлик ёки докторлик диссертацияси бошқа давр адабиётини ўрганишга бағишланган бўлса ҳам, кейинчалик қизиқиб, Навоий ижодини ўрганиш билан ҳам шуғулланганлар (А.Қаюмов, Н.Комилов, Б.Қосимов ва бошқалар).

Нурбой Жабборовнинг “Маоний аҳлининг соҳибқирони” монографияси ҳам навоийшуносликка бағишланган. Ўзбек тилида икки қарра чоп этилди, кейинчалик форс тилига ўгирилиб, Эронда ҳам босилиб чиқди.

Тахририят мактаби. Илм ва журналистика. Бу иккаласи бир нарсаси эмас, албатта. Баъзилар журналистика билан илмни бири-бирига қарама-қарши қўйишни кўп яхши кўради. Тўғри, фанда журналистик оммабоплик, батафсиллик ёки мафкуравийлик кетмайди. Бироқ фикрни пухта-пишиқ, тушунарли, равон ифодалаш борасида илм ахли журналистикадан кўп-кўп нарсаси ўрганиши керак ва зарур. Чунки оммавий ахборот воситаларида факт ё фикрни қандай тарзда тақдим этишнинг аҳамияти жуда катта. Кейин тахририятларда тахрир санъатини эгаллайсиз. Илмий ишларда кўпинча айнан шу икки нарсаси етишмайди.

НУРДАН ЯРАЛСА БОЙЛИК...

Нурбой домланинг ўриндошлик асосида “Фидокор” газетасида бўлим мудири, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари, “Тафаккур” журналида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлагани унинг қаламини тоза чархлади.

Дин илми. Бир гал устоз Абдуғафур Расулов домла билан Самарқанд давлат университетида илмий-амалий анжуманга бориб келдик. Йўлда: “Сизга бир нозик саволим бор. Мана, устозингиз Нажмиддин Комилов ҳам, сиз ҳам, фалончи ҳам Навоий ижодини таҳлил қилиб, мақолалар ёзасизлар. Орада фарқ, борингки, қарама-қаршилиқ йўқми?” деб сўради. Бу савол бекорга берилмаган эди. Биринчидан, бу уч тадқиқотчи матбуотда бир-бирига қарши ҳеч нарсаси ёзмайди. Иккинчидан, ўша кезлари домлани ўз кафедрадошлари матбуотда кўп уриб чиққан эди.

Албатта, ўзинг билан бевосита боғлиқ саволга очиқ-соқиқ жавоб бериб бўлмайди. Ҳар хил талқин этилиши мумкин-да. Иккинчидан, мумтоз адабиёт тадқиқотчилари сирини замонавий адабиёт тадқиқотчиси-га ошкор этишдан не наф бор? Орадаги фарқларнинг ҳаммасини айтгим келмади. Бир оз ўйлаб олиб: “Навоийга муносабатда устоз Нажмиддин Комилов билан камина қарашлари ўртасида ғоявий-мафкуравий қарама-қаршилиқ йўқ. Биз у кишининг мактабидан чиққан шогирдимиз. Лекин учинчи тадқиқотчининг Навоийга муносабатларида диний-ирфоний билим озлик қилади”, дедим. Кутилмаган бу жавобдан кейин устоз бир лаҳза кўзни юмиб олиб, ўйладиларда: “Тушундим. Зўр жавоб бўлди. Қолган ҳамма хижатлари шунинг ичида экан”, деди раҳматли.

Нурбой домла раислигида ўтказилган бир муҳомадада қатнашишга тўғри келди. Бир олим йўли сал бошқачароқ ёндашди. Ойлар ўтиб, бир издиҳомда иккаламиз кўришиб қолиб, ўша йиғилишни эслашдик. “Ушанда хато позицияда турилди. Аканинг диний-ирфоний билими пастлиги билиниб қолди”, деди. Бу шунчаки гап эмас. Минг йиллик ўзбек ёзма адабиёти тадқиқотчи-

сининг диний-тасаввуфий билимга эга бўлмаслиги адабий асарнинг туб моҳиятини тўғри ва тўла англаб етмасликка олиб келади. Бунинг ёнига аруз илмини пухта билишни ҳам қўшамиз.

“Маданият ва маърифат” телеканали бир дебат ўтказди. Нурбой домла билан икки қарама-қарши тарафга тушиб қолдик. Камина мактаблар ва филология йўналишида кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида аруз яхши ўқитилмаслигини пеш қилавердим. Қазо-қазо хондалар, манаман деган суҳандонлар ҳам арузни бузиб ижро этаётганига мисоллар келтиравердим. Нурбой домла декан сифатида олий таълим тизимида аруз яхши ўргатилаётганини таъкидлади. Охири гап айланб ўтган асрларда бобо-момоларимиз арузни биз қаби шеър тарзида эмас, ашуладай қилиб ўқигани ҳақида кетди. Шунда домла бир жўшди-ку: арузий ғазалларни бир аср бурунги қирдат усулларига солиб, бир ўқиди, бир ўқидики...

Диний-тасаввуфий билимларга эғалиги учун у “Маоний аҳлининг соҳибқирони” монографиясида “Алишер Навоий ва ислом маърифати”, “Футувват ғояси ва фатий образи”, “Арбаъин”да маърифий мазмун ва бадиий шакл мутаносиблиги”, “Сирож ул-муслимин”да фикр масалаларининг бадиий ифодаси” қаби фаслларни ёзди.

Рағбат. Нурбой Жабборов давлат мукофотларидан ташқари, Ўзбекистон Фанлар академияси, Озарбайжон Миллий илмлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг мукофотлари билан тақдирланган, республика танловлари ғолиби бўлган. Албатта, бу эътирофлар замирида қанчадан-қанча меҳнат ва машаққат ётганини тушунган тушунади.

Кафолат. 60 ёшга киргунга қадар эришилган бу ютуқлар, қилинган шунча катта ишлар олимнинг келажақда бундан ҳам кўп ва хўб тадқиқотлар яратиши учун кафолат беради. Биз бунга ишонамиз.

Султонмурод ОЛИМ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



УСТУНЛИККА ЭРИШИШ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди. Улардан бири – касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозорини яратишдан иборат.

Ўзбекистон Президенти: “Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин”, дея таъкидлади. Мурожаатномада белгилаб берилганидек, энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур. Бу йўлда иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш эътибор кучайтирилади. Мақолада ушбу соҳада амалга оширилган ишлар ва келгусида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.



(Иккинчи мақола)

малакали мутахассис – малакали ҳамшира, денгизчи, муҳандис, ўқитувчи, меҳмонхона ходими, Ай-Ти мутахассиси сифатида иш топмоқда. Бу ишчи ўринлар миллиардлаб доллар валюта тушумини таъминлайди.

Биз Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқмоқчи эканмиз, мутахассисларимизнинг халқаро нуфузини кўтаришимиз шарт. Замонавий дунёда “ўзимизга яраша” диплом эмас, халқаро миқёсда тан олинadиган малака, билим ва кўникмалар муҳим.

World Economic Forum ташкилотининг ҳисоботида кўра, яқин келажақда энг талаб қилинадиган соҳалар – бу информацион технологиялар, сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили ва киберхавфсизликдир. Демак, фарзандларимизга бу соҳаларда рақобатдош таълим бериш давр талабидир.

ОТМ фаолиятини баҳолашда битирувчилари хорижий компанияларда иш топа олиши асосий мезонлардан бири бўлиши керак. Бу уларни таълим сифатини доимий равишда ошириб боришга, халқаро стандартларга интилишга ундайди. Жанубий Корея, Сингапур, Хитой университетлари айнан шу йўлдан бориб, бугун дунёнинг энг нуфузли таълим муассасалари қаторига кўтарилди. Улар битирувчиларининг халқаро компанияларда ишга жойлашиш фоизини муҳим мезон сифатида қабул қилган.

Олий таълим: тарбия давом этадими?

Ўзбекистон олий таълим тизимида кўп муҳокама қилинадиган, турли баҳс-мунозараларни юзага келтирадиган, жамоатчилик эътиборини тортадиган масалалардан бири – тарбиявий функциянинг ўрни. Бу мавзу атрофида узоқ йиллардан буён турли қараш ва ёндашувлар ўртага ташланмоқда. Айниқса, ахборотлашув жараёнлари тезлашган, маданиятлараро алоқалар кучайган, ёшлар орасида турли ғоя ва қарашлар тарқалиб бораётган шароитда маънавий асосларимиз ва замонавий таълим тенденциялари ўртасидаги мувозанатни сақлаш алоҳида долзарб масаладир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги барча олий таълим муассасаларида Маънавият ва ёшлар билан ишлаш бўйича биринчи проректор лавозими, шунингдек, тегишли бўлим ва марказлар мавжуд, уларнинг асосий вазифаси талабалар ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия ишларини олиб бориш, ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат. Бироқ, халқаро тажрибага, ривожланган мамлакатлар амалиётига назар ташласак, дунёнинг энг нуфузли, ТОП-100 ёки ТОП-500 рейтингига киришган университетларида, Америка, Европа, Осиё мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртларида махсус маънавий-маърифий ишлар бўлими, тарбия ишлари учун ажратилган проректор мавжуд эмаслиги, бундай амалиёт кенг тарқалмаганини кўрамыз.

Дунёнинг етакчи академик марказлари талабаларни биринчи навбатда юқори касбий маҳорат, чуқур билим ва илмий салоҳиятни оширишга, инновацион ёндашувларни шакллантиришга йўналтиради. Уларда маънавий-ахлоқий тарбия, шахсни ривожлантириш бошқа механизмлар – университет кадриятлари, институционал маданият, этик нормалар, академик ҳалоллик принциплари, ахлоқ кодекслари, талабалар уюшмалари, клублари, ихтиёрий ижтимоий хизматлар, кўнгилчилик дастурлари орқали амалга оширилади, булар талабалар-

нинг ўз танлови ва қизиқишларига асосланади.

Афсуски, таълим тизимимизда тарбия тушунчаси тор доирада талқин қилиниб, асосан расмий, баъзан юзаки тадбирлар ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. Ҳар ҳафта, ҳар ой режа асосида ёки турли кўрсатмалар билан ўтказиладиган бундай тадбирлар талабаларнинг қимматли вақтини олиб, уларни асосий вазифаси – чуқур билим олиш, ихтисослик бўйича ўзини такомиллаштиришдан чалғитади. Шу боис, кўпинча талабалар бундай тадбирларга ўз хоҳишларидан ташқари жалб қилинади.

Айни масалада бугун мутахассислар ўртасида баҳслар кечмоқда: тарбия функциясини, маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларини мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим босқичларига бериш, олий таълим босқичида ёшларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ эмасмикан? Бошқача айтганда, дейлик, бугун одобили инженердан кўра, чуқур билимга эга мутахассисга талаб анча кучли. Албатта, бу маънавий-ахлоқий тарбиядан воз кечиш, унинг аҳамиятини инкор этиш керак, дегани эмас.

Маънавият ҳар қандай миллатнинг, айниқса, биз каби ўз анъаналарига асосланган жамиятнинг асосий таянч нуқталаридан бири ҳисобланади. Бироқ уни замонавий шаклларда, талабаларнинг кундалик ўқув жараёнига табиий равишда уйғунлашган, жозибали форматларда ташкил этиш зарур.

Ҳарбий таълим масъулиятни тарбиялайди

Бугун дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган можаролар, геосиёсий вазиятнинг беқарорлиги шароитида ёшларнинг ватанпарварлик тарбияси, хусусан, мактабларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик, олий таълим муассасаларида захирадаги офицерлар, зобитлар тайёрлаш бўйича махсус курсларни ташкил этиш ниятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳарбий тайёргарлик тизими ва узлуксиз олиб борилиши лозим. Бу жараён жисмоний чинқиш билан бирга, ҳарбий стратегик фикрлашни ривожлантириш ва фавақулдада вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши керак. Ўқувчи ва талабаларда интизом, жавобгарлик ҳисси, жамоада ишлаш қобилиятларини ривожлантиришда ҳам ҳарбий тайёргарлик муҳим омил ҳисобланади. Айниқса, олий таълим муассасалари битирувчилари – бўлажақ раҳбар ва мутахассислар ҳарбий билимларга эга бўлиши жуда муҳим. Чунки улар келажақда турли соҳаларда етакчи вазифаларда ишлаб, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда иштирок этади.

Таълим муассасаларида ҳарбий тайёргарлик жараёнини замонавий технологиялар, инновацион усуллар ва илгор хорижий тажрибалар асосида ташкил этиш зарур. Бунда назарий билимлар билан амалий машғулотларнинг мутаносиблигига эришиш, реал вазиятларга яқин симуляцияларни қўллаш, замонавий қурол-аслаҳалар ва ҳарбий техникалар билан таништириш, ахборот хавфсизлиги ва кибермудофаа масалаларига эътибор қаратиш бугунги кун талабидир.

Мафқуравий компетентлик ва медиа саводхонлик

Таълим-тарбия соҳасида фаолият кўрсатаётган барча инсонлар ёшларнинг мафқуравий иммунитетини ошириш за-

рурлигини уқтирадилар. Бу масала нима учун долзарб? Чунки ҳозирги замонда мафқуравий таҳдидлар нафақат ҳарбий ёки иқтисодий, ахборот майдонида ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Миллий кадрларни тайёрлашда мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий менталитетни ривожлантиришга хизмат қиладиган институционал структуравий механизмларни жорий қилиш, назарий амалиётни ишлаб чиқиш керак. Ёшлар турли ахборот манбаларидан келаётган маълумотларни танқидий таҳлил қила билиши, сохта ахборотдан ҳақиқийсини ажрата олиши зарур.

Медиа сабоқлари фанлар орасида “яширинган” ҳолда эмас, мустақил, тизимли равишда ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишда узлуксиз таълим тамойилларини қўллаш долзарб аҳамият касб этади.

Бошланғич синфларда медиа саводхонлик асослари берилиб, ўқувчиларга ахборотни танқидий баҳолаш, ишончли манбаларни аниқлаш, ахборот хавфсизлигининг дастлабки қоидалари ўргатилиши даркор. Ўрта синфларда медиа саводхонлик билимдонлик даражасига кўтарилиб, ўқувчилар турли медиа каналлари билан ишлаш, ахборотни таҳлил қилиш, рақамли контент яратиш кўникмаларини ўзлаштиришлари керак.

Юқори синфларда медиа компетентлик шаклланиб, ўқувчилар ахборотни танқидий таҳлил қилиш, медиа маконда ўзини ифодалай олиш, масъулиятли контент яратиш каби юқори даражадаги кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Олий таълимда бу кўникмалар медиа маданият даражасига кўтарилиб, талабалар ижтимоий тармоқларда фаол позицияни эгаллаш, профессионал медиа контент яратиш, ахборот хавфсизлиги стратегияларини ишлаб чиқиш, ижтимоий масалаларни медиа орқали ҳал қилиш каби юксак малакаларга эга бўлишлари даркор.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимики, медиа таълим йўналишида миллий кадриятларимиз, диний таълимотлар, умуминсоний кадриятлар ва замонавий дунёқарашни уйғунлаштириш муҳим. Медиа таълим – бу фақат замонавий технологияларни ўзлаштириш эмас, уни маънавиятимиз, миллий ўзлигимизни сақлаган ҳолда қўллаш олиш кўникмаси ҳамдир.

Ёшлар маънавияти мукамал бўлсин

Инсоният тарихининг бугунги даври ўзининг мураккаблиги, зиддиятларга тўлалиги билан аввалги замонлардан тубдан фарқ қиладди. Ахборот технологияларининг жадал ривожланиши, маданий чегараларнинг шартлилиги каби омиллар инсон онги, руҳияти ва маънавий дунёсига таъсир қилувчи воситаларни мислсиз кўпайтириб юборди. Бундай шароитда, айниқса, ёшлар шахсиятининг шаклланиши мураккаб кечмоқда.

Ўзбек ёшлари орасида бутун дунё ёшлари каби замонавийлашиш, дунё билан ҳамнафас бўлишга интилиш мавжуд, бу табиий ҳол. Бироқ бу жараён ҳолларда миллий ўзлигини йўқотиш, ота-боблар асрлар давомида сақлаб келган кадриятларни менсимаслик ҳисобида амалга ошаётгани ташвишлидир. Ўзига хос шарқона ҳаё, андиша, катталарга ҳурмат, оилапарварлик, меҳр-оқибат каби фазилатлар ўрнини гарб маданиятидан қириб келаётган индивидуализм, прагматизм, истеъмолчилик психологияси, сабрсизлик эгаллаб бормоқда. Телефонда соатлаб ўтириб, лекин ёнидаги ота-онаси билан икки оғиз гаплашмайдиган, ўз оиласидан кўра ижтимоий тармоқлардаги “дўст”лари билан кўпроқ мулоқот қилувчи, тўй-маъракаларда қўлида телефон билан ўтириб, аждодларимиздан қолган удумларга бефарқ бўлиб қолаётган ёшларимиз ҳам, афсуски, йўқ эмас.

Ахборот макони очкилиги, интернетдан истилган маълумотни олиш имкончилиги ёшларнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолиш хавфини кучайтирмоқда. Диний экстремистик ташкилотлар ижтимоий тармоқлар, махсус каналларда ўз ғояларини тарқатиб, ёшларни чалғитиб, оғдириб олмақда. Ёшларнинг маънавий-мафқуравий иммунитетини етарли даражада шаклланмагани, ҳаётда ўз ўрнини топа олмагани, ахборот оқимининг қўплигидан оқни қорадан ажрата олмалиги бунга сабаб бўлмоқда.

Айрим ёшлар китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинлари, мазмунан саёз мусиқа ва фильмлар билан вақт ўтказишни хуш кўради. Улар бугунги рақамлашган дунёда – ҳамма нарса тугмачани босиш

билан ҳал бўладиган даврда мутолаадан, ички маънавий изланишлардан узоқлашмоқда. Унутмайлик, китоб ўқиш – бу шунчаки ахборот олиш эмас, балки инсон қалби, руҳи, тафаккурини шакллантирадиган, бойитадиган жараёндир. Шу боис, давлатимиз томонидан китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ечим нимада?

Фикримизча, маънавий-маърифий тарбия ва таълимга комплекс ёндашув лозим. Бу борада оила, маҳалла мутасаддилари, профилактика инспектори, масжид имом хатиби, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар кўмитаси ва таълим муассасаси ҳамкорлигини комплекс чора-тадбирлар асосида амалга ошириш талаб қилинади. Айниқса, ҳар бир маҳалла кесимида “хавфли гуруҳ”га мансуб ёшларни аниқлаб, улар билан индивидуал тарзда иш олиб бориш, уларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт, санъат, меҳнатга жалб этиш чораларини кўриш керак.

Иккинчидан, таълим муассасаси маънавий-маърифий соҳадаги комплекс режа бажарилишида бош етакчи бўлиши, муассаса раҳбарининг лавозимга лойиқлиги нафақат унинг касбий малакаси, маънавий-ахлоқий фазилатлари, шахсий намунаси билан ҳам белгиланиши зарур. Раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказишда касбий билим ва кўникмалари билан бирга, маънавий-ахлоқий қиёфаси, ватанпарварлиги, миллий кадриятларга содиқлиги, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

Учинчидан, маънавий-маърифий таълим-тарбиянинг самарадорлигини аниқловчи мезонлар тизимини ишлаб чиқиш лозим. Натижалар доимий равишда таҳлил қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб борилиши муҳим. Бу мезонлар ёшларнинг реал ҳаётдаги хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий фазилатларни баҳолашга қаратилган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, ёшлар соғлом дунёқарашга эга бўлиши учун уларни эркин ва мустақил фикрлашга, оқ-қорани ажрата олишга ўргатишимиз лозим. Бу борада медиа таълими кечиктирмай жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, раҳбарлар, ўқитувчи ва мураббийларнинг маънавий етуклиги ва педагогик салоҳиятига баҳо бериб, уларнинг мафқуравий компетентлигини талаб даражасида шакллантиришимиз керак. Маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи ходимлар учун махсус малака ошириш курслари ташкил этиб, уларнинг педагогик маҳорати, психологик билимлари, маънавий салоҳиятини ошириш, замонавий педагогик технологиялар, инновацион ёндашувлар билан таништириш лозим. Ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий мавқеини кўтариш, жамиятда нуфузини ошириш ҳам, албатта, муҳимдир.

Олтинчидан, миллий ғоя асосида маънавий-маърифий тарбиянинг давр талабига мос самарали механизмни ишлаб чиқиш ва таълим-тарбияга жорий қилиш, миллий кадриятларни замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, миллий ўзликни сақлаган ҳолда, дунё билан ҳамқадам бўлиш, ёшларни глобал жараёнларда фаол иштирок этишга йўналтириш лозим.

Албатта, бу фикрлар ўз меҳнат фаолиятининг аксар қисmini таълим соҳасига бағишлаган кишининг субъектив қарашларидир. Бу мулоҳазалар таълим тизими ривожига ҳисса қўшиш истагидан келиб чиққан бўлиб, соҳада йиллар давомида шаклланган қулатувлар асосида ифодаланган.

Бугун мамлакатимизда Учинчи Ренессанс асосларини яратиш мақсадида таълим тизимимизни янгича руҳда қуришни бошладик, энди ортага йўл йўқ. Ислохотлар йўлида турли қийинчиликлар, тўсиқлар бўлиши мумкин, аммо уларни сабрматонат билан енгиб ўтишимиз, мақсад сари интилишимиз лозим. Замонавий, мослашувчан ва таъсирчан тизим яратиш ўз қўлимизда. Бунда ҳар бир таълим муассасаси, ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир талаба ва ота-она ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Фақат биргаликда, елкама-елка туриб, таълимни янги босқичга кўтара ола-миз.

Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор



САРҲИСОБ

БҮНЁДКОР ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон кенг қўламли ислохотлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлидан бормоқда. Бу жараёнда қурилиш ва урбанизация соҳаси мамлакат тараққиётининг асосий драйверларидан бирига айланди. 2025 йилда ҳам ушбу йўналишда стратегик аҳамиятга эга бир қатор йирик лойиҳалар ишга туширилди. Улар нафақат мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга, балки аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга, шаҳарсозлик маданиятини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.



Эътибор беринг, бу йил жами 35 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi инвестиция эвазига 9 мингга яқин янги корхона, хизмат кўрсатиш мажмуалари барпо этилди. Энг улуғ байрамимиз арафасида 4 миллиард долларлик 79 та йирик объект ишга туширилди. Сўнгги йилларда юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланиб, кўпала турар жойлар, ишбилармонлик марказлари, корхоналар, хиббонлар барпо этилди.

Эндиликда урбанизация жараёнларида узоқни ўйлаб, қурилишлар шаҳар ташқарисида амалга оширилаётгани эътиборли. Улардан энг муҳимлари — Олимпия шаҳарчаси ва Янги Тошкент лойиҳаларидир. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, Ўзбекистонни чинакам спорт мамлакатига айлантириш мақсадида Олимпия шаҳарчаси барпо этилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи марта замонавий таълим берадиган футбол академияси қад кўтарди. Спорт архитектурасининг ноёб дурдонаси бўлган ушбу мажмуалар минглаб бўлғуси чемпионларимиз учун юксак парвоз майдонига айланиши, шубҳасиз.

2017 йилда 4 мингдан ортқ маҳаллада бирорта ҳам болалар боғчаси йўқ эди, қамров 27 фоиздан ошмасди. Бугунги кунда боғчалар сони 38 мингдан, қамрови эса 78 фоиздан ошди. Яқинда эълон қилинган янги имтиёз ва имкониятлар натижасида мактабга таълим кириб бормаган бирорта маҳалла қолмади, қамров ҳам 80 фоиздан кам бўлмади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2025 йил 11 ноябрь куни Янги Тошкентда йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди. Сўнгги беш йилда мамлакатимиз футбол соҳасида туб бўрилиш даври бўлди. Жумладан, маҳаллий чемпионатлар тизими ислоҳ қилиниб, болалар ва ўсмирлар академиялари ташкил этилди. Худудларда 75 та катта ва 302 та мини стадион фаолият кўрсатмоқда. 2017 йилда юртимизда FIFA ва Осиё футбол конфедерацияси талабларига жавоб берадиган майдонларнинг сони атиги 3 та эди, бугун уларнинг сони 10 тадан ошди. Яқинда Юқори Чирчиқ туманида замонавий Миллий футбол маркази куриб битказилди. Футбол мактабларида 65 мингдан ортқ ёшлар машғулот ўтказмоқда. Ушбу мактабларга жаҳоннинг нуфузли футбол клубларидан тренерлар, спорт тиббиёти ва фармакологияси бўйича малакали мутахассислар жалб қилинган.

Футболчиларни маҳалладан бошлаб селекция қиладиган тизим яратилди. Бунга алоҳида имтиёзлар жорий қилиниб, 9 мингдан зиёд маҳалланинг

70 фоизда футбол учун мини майдончалар ташкил этилди. Шунингдек, 1,5 мингта мактабнинг футбол стадионлари таъмирланиб, 1 миллиондан зиёд ўқувчи ва маҳалла ёшлари қамраб олинди. Ёшлар ўртасида маҳалла, туман, вилоят ва республика турнирларини анъанавий ўтказиш йўлга қўйилди.

Тарихимиз, миллий ўзлигимизни тиклаш мақсадида бунёд этилган пойтахтимиздаги Ислон цивилизацияси маркази, Самарқанддаги Имом Бухорий зиёратгоҳи каби улкан ва ноёб мажмуалар юртимизнинг фахрига айланиб улгурди. Ислон цивилизацияси маркази — Ўзбекистон тарихида илгари мисли кўрилмаган илмий-маърифий мажмуадир. Бу ерда минг йиллик маърифат мероси, замонавий технологиялар ва Ренессанс руҳи уйғунлашиб, мамлакатнинг янги интеллектуал қиёфасини намоён этмоқда.

Кейинги саккиз йилда юртимизда 31 миллион квадрат метрдан ортқ ёки қарийб 12 мингта кўпқаватли уй-жой барпо этилгани тарихий қадам бўлди. Шу йилнинг ўзига "Янги Ўзбекистон" ва бошқа массивларда яна 130 минг хонадонли замонавий уй-жойлар қурилиб, аҳолига топширилмоқда. 2030 йилгача бутун дунёда қўлланаётган "яшил шаҳар" стандартлари асосида барча шаҳарларимизда яшиллик даражаси 30 фоизга етказилади.

Мамлакатимизда аҳолини тоза, сифатли энергия билан таъминлаш ҳам урбанизация жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди. 2024 йили 25 март куни давлатимиз раҳбари Наманган вилоятида янги электр станциялари қурилишини бошлаб берган эди. Бу йил улардан бири — Норин ГЭСлар каскадининг дастлабки босқичи ишга тушди. Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш миллий иқтисодийёт барқарорлигини таъминлашда стратегик йўналиш сифатида белгиланган. Охириги йилларда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда ўндан зиёд кўёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Шу билан бирга, қатор худудларда 450 мегаваттли гидроэлектр станциялар фойдаланишга топширилди.

Хозирда "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан Норин дарёсидида 6 та ГЭС каскади қурилиши бошланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 428 миллион доллардан зиёд, умумий қуввати 228 мегаватт бўлади. Биринчи босқичда ГЭС-1 ишга туширилди. Энг муҳими, у тўлиқ маҳаллий маҳсулот ва ускуналар асосида барпо этилди. Шу маънода, уни мамлакатимиздаги биринчи миллий ГЭС дейиш мумкин. ГЭС-1 йиллик 171 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бу ерда 130 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳа

натижасида 430 мингта хонадон электр энергияси билан таъминланади, йилга 290 миллион куб метр газ тежалади. Бу иқтисодийёт учун қарийб 300 миллиард сўмлик қўшимча манфаат демакдир. Шу жиҳатдан "Норин ГЭСлар каскади" нафақат энергетик, балки ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга ҳам эга.

Ўзбекистоннинг "яшил энергетика"га ўтиш стратегияси доирасида 2025 йилда бир қатор йирик кўёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди. Бу лойиҳалар энергетика хавфсизлигини таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш ва иқтисодийётнинг барқарор ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга. Улар халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилаётган бўлиб, мамлакатнинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлайди.

2025 йил декабрь ойда ишга туширилган янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объеклари — қарийб 11 миллиард долларлик 42 та энергия ишлаб чиқариш, сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари — мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий энергетика тармоғи салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли стратегиянинг бир қисмидир. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида умумий қиймати 3,3 миллиард долларга тенг жами 3 минг 500 мегаваттли 16 та кўёш, шамол, иссиқлик ва гидро электрстанциялари шулар жумласидан.

Фойдаланишга топширилаётган лойиҳалар орасида 1 минг 245 мегаваттли 10 та энергия сақлаш тизими ҳам бор. Бу энергия энг кўп истёмоқ қилинадиган тигиз вақтларда қўшимча 1,5 миллиард киловатт-соат электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради. Қўшимча равишда ишга туширилаётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимнинг барқарор ишлашига хизмат қилади. Янги ташкил этилган, йилга 15 мингта трансформатор ишлаб чиқарадиган "Angren Energo" ҳамда 155 та гидро-агрегат тайёрлаб берадиган "Uzhydropower" корхоналари иқтисодийётимизга муҳим ҳисса қўшади.

Бу йил 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки 867 та "оғир" маҳалладаги 470 мингта хонадонга томорқаларни суғориш учун илк бор сув етиб борди. Жорий йилда 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадонга мўлжалланган кўпқаватли уйлар аҳолига топширилди, одамларнинг ўзи ҳам яшаш шaroитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар-жой

объектлари барпо этилди. Умуман, сўнгги тўққиз йилда 210 миллион квадрат метрли турар-жой ва нотурар-жой объектлари фойдаланишга топширилди.

2025 йилда урбанизация жараёнларини жадаллаштириш ва йирик шаҳарлардаги юкломани камайтириш мақсадида қатор янги шаҳарсозлик лойиҳаларининг биринчи босқичлари ишга туширилди ва айримлари қурилмоқда. Хусусан, "Янги Тошкент" шаҳри қурилиши фаол давом этиб, унинг айрим худудларида турар-жойлар, ижтимоий объектлар (мактаб, боғча, поликлиника) ва савдо-кўнгулчор мажмуалари очилди.

2025 йилда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва минтақавий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор йирик лойиҳалар ҳам ишга туширилди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган "Самарқанд — Ургут" янги темир йўл линияси шулар жумласидан. Ушбу темир йўл қурилиши 2025 йил февраль ойда бошланган бўлиб, умумий узунлиги 55 километрни ташкил этади. Лойиҳа доирасида иккита вокзал, "Ургут" иқтисодий зонасида иккита юк станцияси ҳамда бир қатор кўприклар барпо этилди. Эътиборлиси, мазкур линияни келгусида тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга мазкур йўналишда ҳаракатланувчи поездда Ургутга борди. Сафар чоғида Президентимиз темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш, йўловчилар учун қулайликларни янада ошириш, темир йўллари электрлаштириш ва уларга туташ худудларни ободонлаштириш юзасидан мутасаддиларга қўшимча топшириқлар берди. Шунингдек, йўл бўйлаб амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишлариغا эътибор қаратди. Янги темир йўлнинг келиши билан Ургутда иқтисодий ўсишни чеклаб турган тўсиқлар, логистик "тромб"лар бартараф этилади. Юк ташвиш тезлашади, маҳсулотлар бозорларга арзон ва вақтида етказилади, инвесторлар учун қулайликлар янада ортиб, худуднинг рақобатдошлиги ошади. Энг муҳими, худудда яратилаётган янги имкониятлар аҳолининг турмуш даражасига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Инфратузилма ривожланган жойда иш ўринлари кўпаяди, хизматлар яхшиланади, тадбиркорлик фаоллашади.

Бундан ташқари, республика аҳамиятига эга йўлларнинг замонавий стандартлар бўйича реконструкция қилиниши ва янги йўлларнинг қурилиши, айниқса, транзит коридорларининг ўтказувчанлик қобилиятини оширишга эътибор қаратилиши, 2025 йилда бир нечта йирик автомобиль йўли участкалари ва кўприклар фойдаланишга топширилиши иқтисодийётнинг "қони"ни янада жўштириши, шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, 2025 йилда бунёд этилган йирик ва стратегик лойиҳалар Янги Ўзбекистонни яратиш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларимизнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнлар келгусида ҳам мамлакатнинг барқарор ва инклюзив ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўктам ҲАМРААЛИ

ЯХШИ НИЯТ



ҚАМИШДАН БЕЛ БОҒЛАЙМИЗ

2026 йил зиёлилар, айниқса, адабиётшуносун ижодкорлар қамишдан бел боғлайдиган йил бўлади, насиб. Ахир, ота-бобосини тўйида невара-чеваралари хизматда бўлмайдими?!

Янги йилда Ватанимиз мустақиллигининг шонли 35 йиллигини катта байрам сифатида нишонлаймиз. Соҳибқирон Амир Темур таваллудига 690 йил, Мир Алишер Навоий таваллудига 585 йил тўлади.

Шахсан Давлат раҳбарининг ўзи "Бундай улуғ саналарни юксак даражада, ҳар томонлама муносиб ўтказиш учун, албатта, тегишли қарорларни қабул қиламиз. Уларни амалга оширишда маҳаллалар, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоалари, зиёлиларимиз, хоржиди элчихоналаримиз, умуман, бутун халқимиз фаол иштирок этади, деб ишонаман", дея таъкидлади Мурожаатномада.

Бу йилда биз ҳам муносиб ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қиламиз!

Янги йилда кўп минг нуфусли муштарийларга соғлиқ-саломатлик, бахт ва омад, илмий ва ижодий илҳомига юксак парвоз, шахсий ҳаётида хотиржамлик тилаймиз!

Сувон МЕЛИ,
филология фанлари доктори, профессор

ТАРИХДАН САДО

ЖАДИДЛАР ДАВРИДА КУТУБХОНАЧИЛИК

Бугунги кунда Ўзбекистон кутубхоначилиги тизими модернизацияси, рақамли кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари ривож жараёнида жадидлар яратган маърифий кутубхоначилик анъаналарини тарихий-илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш ва чуқур ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эга.

Жадидларнинг маърифий парадигмаси шуни кўрсатадики, улар учун кутубхона: билим манбаи сифатида — жамяят ва инсон ҳақидаги илмий тасавурларни шакллантириш воситаси; маънавий тарбия маскани сифатида — ахлоқий, диний ва ғуқаролик қадриятларини тарғиб қилувчи майдон; ижтимоий мулоқот майдони сифатида — зиёлилар, ўқитувчилар, талабалар ва кенг жамоатчилик учрашув жойи ўлароқ тақлиб этилган. Шу маънода, жадидлар кутубхонани оддий "китоб сақланадиган жой" эмас, балки маърифий-сиёсий платформа сифатида қабул қилинган.

Жадидлар фаолияти даврида Туркистонда қуйидаги турдаги кутубхоналар шаклланишини кўрамиз:

Мактаб ва мадрасалар қошидаги кутубхоналар — янги усулдаги мактаблар, хусусий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган кичик кутубхоналар ўқув-дарслик, дидактик ва тарбиявий-лисоний адабиётлар билан таъминланган.

Жамоат кутубхоналари — маҳаллий аҳоли, савдогарлар, ҳунармандлар, шунингдек, жадид зиёлилари маблаглари ҳи-

собида ташкил этилиб, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Шахсий ва оилавий кутубхоналар — жадид зиёлиларининг уй-кутубхоналари (Беҳбудий, Авлоний, Фитрат ва бошқалар) атрофида ёшлар ва ҳамфикрлар тўпланадиган маънавий муҳитни вужудга келтирган.

Вақф кутубхоналари — масжид ва мадрасалар таркибида вақф маблаглари ҳисобига юритилган, аммо жадидлар таъсири остида уларнинг фонд таркиби ва ўқувчи доираси маълум даражада ўзгариб борган.

Мазкур зиё масканлари тармоғини умумлаштириш ҳолда айтиш мумкинки, жадидлар даврида "мактаб — матбаа — кутубхона — матбуот" занжирини кўринишидаги ягона маърифий инфратузилма шакллана бошлаган.

Жадид кутубхоналарининг фонд сиёсати анъанавий диний-фикҳий адабиётлар билан бир қаторда, тарих, география, табиатшунослик, математика каби дунёвий фанларга оид асарлар, турк, татар, рус, турк-усмонли тилларидан таржима қилинган қўлланмалар, замонавий педагогика, психология, тилшунослик бўйича рисоалар, бадий-адабий асарлар билан бойитилганини кўрсатади. Бу ҳолат кутубхона фондиди кўп тармоқли билим манбаига айлантирган.

Жадид зиёлилари фондини шакллантиришда илмий фойдалилик ва долзарблик, она тилида адабиётларни кўпайтириш, диний ва дунёвий билимлар



Самарқанд. Регистон китоб дўкони. Сураткаш: С.М. Дудин, 1901 й.

ўртасида мувозанатни сақлаш, ёшлар учун оммабоп, тушунарли услубдаги асарларни танлаш тамойилларига амал қилганлар.

Миллий онгининг шаклланишида тарихий хотира муҳим компонент ҳисобланади. Жадид кутубхоналарида туркий халқларнинг тарихига оид асарлар, мусулмон Шарқи тарихий манбалари, Марказий Осиё алломалари меросига бағишланган рисоалар сақлангани ёш авлодга ўз тарихий илдири, илмий анъаналарини англаш имконини берган. Натижада илмий меросимиз ҳақидаги тасаввурлар, миллий ғурур ва ўзлики кадрлаш ҳисси, мустамлака мафқурасига нисбатан танқидий муносабат кучайган. Кутубхона шу тарихи миллий тарихни қайта ўқиш майдонига айланган.

Жадидлар она тилида таълим бериш ва матбуот нашрларини чиқариш масаласини миллий уйғонишнинг асосий шарти деб билдилар. Кутубхоналар фондида ўзбек тилидаги дарсликлар ва адабий асарлар, "Тараққий", "Садои Туркистон", "Ойна" сингари жадид гезета ва журналлари, чет тиллардан таржима қилинган оммабоп асарлар мавжуд бўлиб, улар китобхонлик маданиятини янги босқичга олиб чиқди. Кутубхона ўқув залларида гезета-журналлар билан танишиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш, муталоага доир кўрсатмалар бериш каби ишлар олиб борилган. Бу жараён тилни модернизация қилиш, янги илмий-техник терминологияни шакллантириш, саводхонлиқни ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиб,

миллий онгининг мазмунини бойитишга хизмат қилди.

Кутубхона фондидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий мазмундаги асарлар, шунингдек, турли мусулмон ва жаҳон халқларининг тараққиётига доир рисоалар ўша давр китобхонида жамяятдаги ижтимоий муносабатлар ҳақида танқидий фикрлаш, шунингдек, фуқаролик масъулиятини ҳис қилиш, ижтимоий адолат, тараққиёт, эркинлик каби тушунчаларни англаш сифатларини шакллантирган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кутубхоначилик тизимининг модернизацияси, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, электрон ва рақамли кутубхоналар, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, илмий ва олий таълим кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш жараёнида жадидлар меросига мурожаат қилиш муҳим илмий-назарий асослардан бири бўлиб бормоқда. Хусусан, жадидлар томонидан шакллантирилган кутубхонани миллий маънавият маркази сифатида қўриш, она тилидаги адабиётлар улушини кенгайтириш, ёшлар ўртасида муталоа маданиятини тарғиб этиш, китобхон ва кутубхоначи ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, замонавий ахборот технологияларини маърифий мақсадларга йўналтириш тамойиллари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Хозирда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, вилоят ва тизим кутубхоналари

фаолиятидаги тарихий меросни сақлаш, рақамлаштириш ва оммалаштириш, "очик фонд" тизими, интерактив хизматлар билан боғлиқ илмий-амалий лойиҳалар айнан жадидлар даврида бошланган маърифий анъаналарни янги шароитда давом эттиришнинг ифодаси сифатида қўрилиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, жадид ҳаракати даврида кутубхоначилик тизими маърифий ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида шаклланди ва тараққий этди. Кутубхоналар мактаб, матбаа ва матбуот билан биргаликда ягона маърифий инфратузилмани ташкил этди.

Бугунги Ўзбекистон кутубхоначилиги тизими модернизацияси жараёнида жадид кутубхоначилиги меросини чуқур ўрганиш, унинг концептуал тамойилларини замонавий рақамли технологиялар билан уйғунлаштириш, айниқса, Миллий кутубхона фаолиятида илмий-тадқиқот йўналишларини ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.


Келгусида жадидлар томонидан ташкил этилган махсус кутубхоналар, уларнинг фонд таркиби, китобхонлар контингенти, ижтимоий-сиёсий таъсири бўйича алоҳида архив ва манбашунослик тадқиқотларини кенгайтириш, ушбу мазмуни Ўзбекистон кутубхоначилик тарихининг махсус бўлими сифатида чуқур ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўмида ТЕШАБОВЕВА,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

1938 йилнинг бошларида НКВД томонидан қамоққа олиниб, “Сталинга суиқасд уюштирмоқчи бўлган” деган айб билан Тошкентда отиб ташланган ўз даврининг фаол ёшларидан бири, ўзбек спортининг ифтихори Хидоят Иноятгов эди.



Хидоят Иноятговнинг ҳибсдаги сурати.

Хидоят Иноятгов 1913 йили Тошкент шаҳрининг Тахтапұл даҳасидаги Қозикўча манзилида туғилган. Унинг болалик даври Октябрь тўнтарыши рўй бериб, жадид мактаблари ёпила бошлаган ҳамда улар ўрнига намунавий мактаблар пайдо бўлаётган паллага тўғри келади. Қозикўчанинг шундоқ бикинида “Улуғбек” мактаби очилди. Қаҳрамонимиз шу ерда ўқийди. Эрталаб маҳалладаги ўзбек мактабида, тушдан сўнг Янги шаҳардаги рус мактабида таҳсил олади. Ер-сув ислохоти йилларида отаси қулоқ қилиниб, бутун оила синовлар гирдобида қолади. Хидоят мактабдан қолиб, мустақил ҳаёт йўлини танлашга мажбур бўлади.

Уша йиллари Тошкентда янги артель, завод ва фабрикалар изма-из ишга тушаётган, шаҳар ҳаётига ишчилар қатлами кириб кела бошлаган эди. Бу корхоналар маҳаллий ёшлар билан фаол иш олиб бориб, уларни ишга жалб этиш билан бирга, муайян гоғлар асосида тарбиялашга ҳаракат қиларди. Ана шу муҳит, юқорида айтганимиздек, оилавий шароит масаласи эндигина ўн беш ёшдан ошиб-ошмаган ёспиринни Тошкент трамвай трестига етаклайди. У тезда трамвай ҳайдашни ўрганиб олади. Унинг тиришқоқлиги, янгиликни тез қабул қилиши раҳбарият эътиборини ҳам тортади. Хидоят қисқа вақт ичида жамоада ўз ўрнига эга бўлиб, ишонч қозонади. Унинг таъсирида аста-секин қўни-қўшни ийигитлар ҳам трамвайчилик касбини эгаллай бошлайди.

Сўнг Хидоят Иноятгов трестдаги

фаолиятини тўхтатиб, рус тилини мукаммал билгани учун 1933 йил февралда Ўрта Осиё давлат экспорт идорасига ишга ўтади. Бу ерда 1934 йилнинг май ойигача масъул ижрочи лавозимида ишлайди.

1920 йиллар охири ва 1930 йилларнинг биринчи ярми мамлакат ҳаётида кадрлар тез-тез алмашган, турли соҳалар ўртасида ҳаракат кучайган давр эди. Айниқса, иш фаолиятини энди бошлаган ёшлар бир идорада муқим қолмас, заруратга қараб янги вазифаларга жалб этиларди. Хидоят Иноятгов ҳам айнан шу шароитда иш олиб борди. 1934 йили Мудоффа, авиация ва кимё қурилишига қўмаклашиш жамиятининг Куйбишев туман кенгашига раис ўринбосари эти тайинланади. 1935 йили у мазкур кенгаш ҳаётининг масъул котиби вазифасига ўтказилади. 1936 йили Куйбишев райони ёшлар ташкилоти котиби ўринбосари сифатида фаолият юротади. 1937 йилдан иш жойи яна ўзгаради. Эндиликда у Халқ Комиссарлари Кенгаши қошидаги Физкультура ва спорт ишлари комитетида раис ўринбосари бўлади.

Сиёсий ва ижтимоий жараёнлар кескин тус олган, кадрлар сиёсати марказдан бошқариладиган шароитда, бошқа давлат идоралари сингари комитет фаолиятида ҳам жиддий муаммолар кузатилади. Ҳужжатлардан маълум бўлишича, бу идорада ҳам асосан Европа миллатларига мансуб ходимлар ишлаган. Улар шовинистик қарашлар таъсирида спорт соҳасида ҳам миллий кадрларни четга суришга уринган. Нуфузли мусобақалар, халқаро ва марказий шаҳарларга уюштириладиган сафарлар ўзбек ёшлари учун деярли ёпиқ эди. Уша йилларда Москвада ўтказилган мусобақалардан бири бунга ёрқин мисол бўла олади. Ҳужжатларда “ўзбек жамоаси” сифатида 30-35 нафар иштирокчи юборилгани кайд этилган бўлса-да, амалда улар орасида бирорта ҳам ўзбек бўлмаган. Бу ҳолат қозғоларда яратилган тўқималар билан ҳақиқат ўртасидаги чуқур жарикни кўрсатади.

Шу йилларда комитетда масъул лавозимда ишлаган қаҳрамонимиз бундай адолатсизликка чидай олмади. Бир сафар республика ўқчи ёшларининг мусобақаларга тайёрларлигини текшириш учун Қўқон шаҳрига боради. Маҳаллий жамоа таркибига бор-йўғи бир нафар ўзбек киритилганини кўриб, жамоа тарқатилиши юзасидан кескин қарор қабул қилади. Бу қарор ўша давр учун жасорат, ўз жонини гаровга қўйиш, айнаи дамда таваккалга тўла қадам эди.

Хидоят Иноятгов спорт соҳасидаги

шовинизм кўринишларини очик фош этиб, бу ҳақда республика ёшлар ташкилоти раҳбарларидан бири Исроил Ортиқов номига расмий хат йўллайди. Хатда масаланинг шахсий эмас, тизимли муаммо эканини таъкидлайди. Бироқ воқеалар ривожини унинг фойдасига ҳал бўлмайди. Республика ёшлар ташкилотига ўрнашиб олган шовинистик қўллар камчиликларни бартараф этиш ўрнига, муаммони кўтарган шахснинг ўзига қарши қўлиб қайради.

Хидоят Иноятгов хизмат пиллапоясидан шиддат билан кўтарилиб бораётган бир пайтда, 1937 йил воқеалари кўпчилик зиёлилар қатори унинг ҳам ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади. Сиёсий таъйиқлар кенг қўлоч ёйиб, давлат ва жамоат ҳаётининг деярли барча қатламларини қамраб олганди. Уша йилнинг баҳорида республиканинг икки йирик раҳбари – Файзулла Ҳўжаев ва Акмал Икромов қамоққа олинди. Бордироқ бу икки давлат арбоби, ислохотлар бошида турган икки йирик шахс совет тузумига қарши аксиканқилобий ташкилот раҳбарлари деб қамалибдиими, мантқан олиб қаралса, бу ёғи “туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” бўлади. НКВД органидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоларини, вилоят, шаҳар ва туман партия ташкилотлари котибларини оммавий қамоққа олишга киришади.

“Катта террор” навбати ёшлар ташкилоти раҳбарларига етади. Раҳбарлар сафиди Исроил Ортиқов ва Фёдор Тарасов ҳам “троцкийчи”, “аксиканқилобий ташкилот аъзоси” деган сиёсий айбловлар билан ҳибсга олинди. Турган гапки, бу таъйиқлар Хидоят Иноятговни ҳам четлаб ўтмайди. У ёшлар ташкилотининг иккинчи котиби Фёдор Тарасов ҳамда ташкилий бўлим мудири Лазар Пехович билан алоқада бўлганлиқда айбланиб, комсомол сафидан чиқарилади. Уша пайти эғаллаб турган Физкультура ва спорт ишлари комитетидаги лавозимидан ҳам четлатилади. Бунинг оқибатида бир неча ой мобайнида ишсиз қолади. 1937 йил декабрь ойида ўзига тамоман бегона соҳа – ёғ-ғўшт саноати трестига иш бошлайди.

Бироқ таъйиқлар шунинг ўзи билангина тўхтаб қолмайди. Республикани алғовдалов қилиб юборган “қамма-қамма”лар ҳамманинг кўнглига гулгула солиб қўйди, қанчадан-қанча кишилар оиласи бағридан юлиб олиб кетилаётгани хавотирни ошириб юборди. Аслида, бу хавотирлар бежиз эмасди. 1938 йил 7 февраль куни Хидоят Иноятгов Ўзбекистон комсомолли ва спорт соҳасининг қамоққа олинган раҳбарлари билан алоқада бўлганлиқ, шунингдек, аксиканқилобий ташкилот

топшириғи билан террористик ҳаракат тайёрлашда иштирок этганлиқда айбланиб, иш жойидан ҳибсга олинади.

Тергов жараёнида Хидоят Иноятговга куракда турмайдиган айблар тиркалади. Терговдан муддао ҳам шу ёвуз мақсад эди, аслида. Одам зоти етти ухлаб тушига ҳам қирмайдиган қийноқларга ортиқ чидалмаган йигирма уч яшар йигит ўзига ёғдирилган барча тўхматларга тўла ҳужжат остига имзо чекишга мажбур қилинади. Бу орқали унинг бўйнига “халқлар доҳийси”га қарши террористик ҳаракат ҳам илиб қўйилади.

Тергов ҳужжатларида 1937 йил июнь ойида Москвада ўтадиган жисмоний маданият паради гўёки террористик суиқасдни амалга ошириш учун “қўлай баҳона” сифатида талқин қилинади. Айбловга кўра, Хидоят Иноятгов спортчилар гуруҳи таркибида Москвага юборилиб, унга қўрол ва махфий топшириқ берилган. Бироқ бу “хулоса”ларнинг барчаси қийноқлар остида олинган кўрсатмаларга таянган бўлиб, парад ортидан террорчилик уюштирилгани ҳақдаги гаплар тергов томонидан сунъий тўқиб чиқарилган бўхтон эди. Қолаверса, бу асоссиз айбловдан қўзланган нишон фақат бир-икки шахс эмасди. Унинг ортида комитет ҳамда комсомолда ишлаган ўнлаб ходимларни бир занжирга тизиб, барчасини қирғин гирдобига тортиш режаси ётарди.

Хидоят Иноятговнинг “жиноий иши” йиғмалари СССР Олий суди ҳарбий коллегиясига топширилади. 1938 йил 5 октябрда бўлиб ўтган суд ушбу айблов хулосасини тўғри деб топиб, уни отувга ҳукм этади. Шунингдек, унга тегишли мол-мулкни мусодара этиш ҳақида ҳам ҳукм чиқаради. Уша кўннинг ўзидаёқ Хидоят Иноятгов ва яна 16 нафар собиқ хизматдоши отиб ўлдирилади.

Хидоят Иноятгов отиб ташланганидан онаси Ҳафиза ая мутлақо беҳабар, кўзи тўрт бўлиб ўғлининг ишдан қайтишини кутарди. Бироқ ўғли ишдан қайтмайди. “Уни ҳар ердан изладим. Бир ярим ой ўтгач, ҳибсга олингани ҳақида хабар беришди”, дейди Ҳафиза ая ўз мурожаатида. Онаизорнинг қўлида ўғлининг тирикчилиги ишора бўлиб умид бағишлаб турган ягона “ҳужжат” – ўнлаб сўровларидан бирига келган жавоб эди. Унда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиғи Хидоят Иноятговнинг “айбдор шахс” деб топилиб ҳибсга олингани ва у ҳеч қандай хат-хабар алмашиш ҳуқуқисиз 10 йилга қамалгани ёзилганди.

Қатагон йиллари ўйлаб топилган шафқатсиз қондалар “айбдор” билан бирга унинг бутун бошли оиласини ҳам таъйиб қиларди. Аксиканқилобий ташкилот

советларга қарши тарғиботда айбланган таниқли кишиларнинг хотини ҳам қамоққа олинар, уч ёшгача бўлган гўдақлардан ташқари барча фарзанди турли республикалардаги болалар уйларига юбориларди. Агар оилада икки нафар бола бўлса, улар атайлаб турли шаҳарларга жойлаштириларди. Шу зайл, улар ота-онаси ким, оға-инилари, опа-сингиллари ким – қон-қардошлиқ ришталаридан йироқ ўсиб-ўлғаярди.

Бироқ ҳаёт кези келса ҳар қандай зулмга қарши жасоратни қўзғаб, қутилмаган қарорлар қабул қилишга мажбур қилади. Биз буни қаҳрамонимиз оиласи тақдири мисолида яққол кўраимиз. Атоқли шоир Мақсуд Шайхзода Иноятгов билан яхши таниш, шу сабаб унинг оиласи бошига тушиши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олишга киришади. Шоирнинг саяё-ҳаракати билан Хидоят Иноятговнинг хотини Ҳадича бошқа киши билан сохта никоҳдан ўтади. Болалар уйига жойлаштирилиши лозим бўлган қизи Мамлакат шу йўл билангина онаси бағрида қолади. Яна бир қизи Ҳуррият эса амакиси Неъмат исмини фамилия сифатида қабул қилиб, отини ҳам ўзгартириб, Кира Нигматовга айланади.

Сағир қолган қизалоқларга оталик қилмоқчи бўлган Неъмат Иноятгов 1939 йили армия сафига олиниб, Финляндия билан урушда қатнашади. Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши билан кўнгилли равишда фронтга отланиб, Сталинград остоналаридаги жанларда қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Бу ёқда Неъматинасидан қоракат келган онаизор, энди бор умидини домдараксиз кетган ўғли Хидоят йўлига қадайдй ва қарийб йигирма йил шундай яшайди. Фарзандининг “қайтиб келиши”ни 1957 йилга қадар кутади. Ана ўша йили 27 май куни Хидоят Иноятгов ишида жиноят таркиби бўлмагани тан олинйб, вафотидан кейин оқлангани маълум бўлади. Ҳафиза аянинг узоқ йиллик кутувлари, умидлари шу жойда узилади. Кўп ўтмай, она омонатини топширади. Бу азоб-укубатлар ичида Хидоят Иноятговнинг умр йўлдоши Ҳадича, қизи Мамлакат ҳам узоқ яшамайди.

Адабиётшунос олим, академик Наим Каримов таъбири билан айтганда, “Хидоят Иноятгов ўзбек халқининг фарзандлари ҳар томонлама чиниққан, ҳар қандай машаққат ва қийинчиликларни енгиб, ўз мақсади сари дадил борувчи ва халқнинг дардига малҳам бўла олувчи авлод бўлишини истаган эди, холос”.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Ҳусанхон Ниёзов – 1898 йили Андижон шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган пайтда хизмат жойи аниқ бўлмаган. “Миллий иттиҳод”нинг Андижон бўлими раиси бўлган. У терговда шундай ёзган: “Мен 1919 йилдан 1920 йил охиригача “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлганман. Бу ташкилотнинг маркази Тошкент шаҳрида бўлган, раҳбари эса Мунаввар қори бўлган, бу даврда мен Андижонда яшардим, бу ерда турк зобити Сулаймон Самай билан танишиб қолган эдим. У Андижон шаҳрига 1919 йил охирларида миллатчи гуруҳларнинг “Миллий иттиҳод”ини ташкил этиш учун келганди. Бу йиллари мен 6-сон мактабда ўқитувчилик қилардим ва табиий фанлардан дарс берардим”. 1942 йил 29 апрелда СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси Ҳусанхон Ниёзов ишини кўриб чиқиб, унга берилган отув ҳукмини бекор қилиб, ўрнига 10 йил қамоқ жазоси тайинлайди.

Рўзиқул Юсупов – 1896 йили Самарқанд шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, икки марта судланган. 1921 йилдан “Миллий истиклол” аксиканқилобий, миллатчи ташкилот аъзоси бўлган. Шу ташкилотнинг Самарқанддаги филиалида раҳбарлик қилган. Доимий равишда аксиканқилобий характердаги тарғибот олиб борганлиқда, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1938 йил 10 августдан ҳисобланган.

Абдулла қори Тошбоев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. Собиқ савдогарнинг ўғли. 1928 йили 1 йил 8 ой озодликдан маҳрум этилган. Ҳибсга олинган пайтда “Волга” артели чойхонаси мудири бўлган. “Шўрои Ислон” ташкилоти аъзоси бўлганлиқда, аксиканқилобий йигинларда иштирок этганлиқда, аҳоли орасида доимий равишда миллатчилик тарғиботи олиб борганлиқда, чорвачилик соҳасига зарар етказганлиқда айбланиб, 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 10 августдан ҳисобланган.

Муқимбек Ҳамзабеков – 1894 йилда таваллуд топган. Кармана районидаги йирик амир амалдорининг ўғли. “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси, миллий озодлик ҳаракати иштирокчиси. Атрофдагилар орасида доимий равишда аксиканқилобий миллатчилик троцкийчилик ташвиқоти олиб борганлиқда, совет ҳокимияти ва унинг тадбирлари шаънига аксиканқилобий бўхтонлар билдириб, монархик тузумни мактаганлиқда дастлаб беш йил Қорақалпоғистон, кейин беш йил Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири бўлиб ишлади, илмий изланишлар олиб бориб, фан доктори, профессор даражасига етишди.

Яна икки набираси – Отаулла ва Ҳабибулла тақдирига ҳам вазир бўлиш ёзилади. Яна бир набираси Неъматулла Худойберганов истиқлол замонасида Қўйи Амударё минтақасида салкам йигирма йил ҳоким бўлди. Умуман, ҳозиргача жадид Муҳаммад ҳожи авлодлари орасидан олти нафар вазир, ўн нафарга яқин фан доктори етишиб чиққани тақдирининг инъомы – уларнинг жисмида жадид бобоси қони оқаётгани ва катта набири Шарифа момонинг укалари илм олишлари учун жон фидо қилгани натижасидир.

Қаранги, оғир замонларда узоқ Европада таҳсил олиш тақдирига ёзилган Муҳаммад ҳожининг чеваралари истиқлол замонида АҚШ ва Европанинг нуфузли университетларида ўқиш бахтига эришди.

Шарифа момо билан суҳбатларимиз адоғига етмагандек, ҳали сўрайдиган нарсалар кўлдек эди. Аммо дунё омонат экан – янги йил кириб келишига бирор ҳафта қолганида Шарифа момо 97 ёшида омонатини топширди...

Хоразмлик жадид авлоди бўлган, бола боши билан ўша инсондан ҳаётнинг илк сабогини олган ва буни авлодларига мерос қолдирган табаррук момо ҳам тарихга айланди.

Рўзимбой ҲАСАН

ТАРИХ ВА ТАҚДИР



ОҚИБ КЕТМАГАН АРМОНЛАР

1937 йил 19 октябрь. Муҳаммад ҳожи Тўртқўл бозоридан беш дона гурва олиб қайтди. Бола-чақага майдонлаи қовунлар урвоқ ҳам бўлмади. Катта невараси Шарифа “Бува, яна қовун ейман”, деб мўлтираб турибди. У яна бозорга отланди. Кампирининг кўнгли чопмади: “Кейинги бозор борарсиз, ҳозир олти чақирим йўл босиб ҳориб келдингиз”, деди. Шарифа икки яшар укаси Абдулла билан буваси қумлик оралаб ўтган йўлда кўринмай кетгунча ортидан қараб қолди...

Шу кетгунча Муҳаммад ҳожи уйга қайтмади. Уни НКВД ходимлари қўм барханлари орасида пойлаб турган экан. Излаб ортидан борган амакиси ва фарзандлари бувани бир кун Хонқада, сўнг яна бир кун Урганчда сақлаб, Тошкентга олиб кетишгани хабарини эшитишди, холос.

Бу кунларни Шарифа момо шундай эсларди: “Бувамизни “халқ душмани” деб қамашган, биз ҳатто шарпадан ҳам кўрқадиغان бўлиб қолдик. Бувам ҳақида уйда шавирлаб гаплашардик. Аввалига, бола эмасмизми, бувам нега келмайди, деб сўраганимизда, “Тўртқўл бозорида қовун қолмаган экан, сизларга ваъда қилгани учун қовун излаб Урганчга кетибди. Қовун топса, келиб қолар”, деб алдашган. Мен-ку, сал эсимни таниганман, аммо икки ёшидан энди ҳатлаган Абдулла укам “Бувам қачон қовун олкелади?” деб йиғларди. Шундай замонларни кўрдик, болам”.

Кеч куз кунда невараларини қувонтирай деб бозорга кетиб, қайтиб келмаган инсон ким эди? ***

Муҳаммад ҳожи Аминаддан ўғли чор ҳукумати Хива хонлигини босиб олган йили айнаи баҳорда Тўртқўл яқинидаги Шўрохон мавзесида туғилган. Отаси бекилик ҳокими эди. Муҳаммад эски мактаб, Шерғоziхон мадрасаси ва рус-тузем мактабида

таълим олганди. 1892–1996 йилларда Франциянинг Тулуза шаҳридаги сув ҳўжалиги коллежида ўқиб, амалиётни Истанбулда ўтказганди.

Ҳали йигирмага тўлмаган йигит таҳсил билан бирга, араб, форс, рус, француз, турк тилларини мукаммал ўрганади. Ватанга қайтгач, бир муддат Тўртқўлдаги Амударё флотилияси учун кема даргалари тайёрлаш курсига бошчилик қилади. 1900–1918 йилларда хонлиқнинг Хонқа бекилиги ҳокими, 1913–1918 йилларда бир вақтнинг ўзида хонлик бош мироби, 1918 йилда Хоразм Халқ Республикасида зироат (қишлоқ ҳўжалиги) нозир вазифаларида ишлайди. Кейинчалик “Ўрта Осиё сув қурилиши” идорасида бош муҳандислик қилади. 1937 йилнинг 19 октябрида ҳибсга олиниб, “учлик” томонидан ўн йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Унинг тақдирига Сибирда жазо муддатини ўташ йўлимаган экан – 1938 йилнинг 27 февралда Зангиютадаги “Туясарой” қамоқхонасида ҳалок бўлади.

Олти тилни мукаммал билган Муҳаммад ҳожи ҳақида ўша йилларда Туркистонга келган хорижийлик олимлар эсдаликларида ёзиб қолдирган. Рус олими Ликошин, Берлин университети профессори Зигмийер Хонқа ҳокими бўлиб ишлаётган ўттиз яшар Муҳаммад ҳожи уйдаида катта кутубхона ташкил қилгани, у ерда “Таржумон” ва бошқа вақтли нашрларнинг тахтамлари сақланаётгани, ўзи ҳоким бўлган бекиликда бир қанча мактаблар очгани, завод ва фабрикалар қўрдиргани ҳақида ёзиб қолдирган. Чекка бир бекиликда ҳоким бўлган, эғнида униққан қора тўн кийган йигитнинг дунё сиёсатидан бохабарлиги меҳмонлар ҳайратига сабаб бўлган. ***

Яна Шарифа момо хотираларига қайтаимиз: “Урушдан олдинги йили ярим кечаси бухоролик бир одам бизни йўқлаб келиб, “Муҳаммад ҳожи билан Зангиютада қамоқда бирга ётдик. У киши

ўпкаси шамоллаб, соғлиғини йўқотганди. 1939 йил қиш оёғида омонатини топширди. Ҳибсхонада жанозасини ўқидик”, деб анчагина гапларни айтган. Уша одам тонг қоронғисида қайтиб кетган. Отам: “Бу киши НКВД айёққисси бўлиши мумкин. Синаш учун келгандир”, деб аёлларга аза очишга рухсат бермаган. Уруш йилларида Хонқанинг Мадир қишлоғидан бир ҳўжа одам келиб, бувам билан бирга Туясаройда тўтқинда ётгани ва вафоти тафсилотларини айтиб, бувамнинг васиятларини етказгач, икки момом ва онам аза очди. Шундай “халқ душмани”га аза очди” деган айблов бўлмаслиги учун урушда ҳалок бўлгани ҳақида қоракат келган амакимнинг ўғлини баҳона қилишган маърақага. Замон шунақа ёмон эди”.

Ҳатто қамоқда, сургунда бевақт жон таслим қилган инсонларга аза очиш тақиқланганини қандай изоҳлаш мумкин? Буни зулм салтанати дейдизми, қўрқув салтанатини? Билмадик.

“Э, болам, мени гапиртирма. “Отам “халқ душмани”, ундан воз кечдим”, деб бир варақ ёзиб бер, деб отамни анча қистовга олишган. Отам ўша вақтда пахта тозалаш заводида ишларди. Рози бўлмагач, ишдан бўшатиш билан қўрқитишган. Ишдан бўшаса бир этак болалари кўчада қолишини билса-да, рози бўлмаган...

1956 йили Султон амаким номига бир энлик хат келган. Бобом ноҳақ айблангани, энди тўла оқлангани ёзилган варақ кейинчалик момом ва онамнинг кўз ёшларидан титилиб кетган. Уша хатни мен ўқиб бергандим. Устига қандайдир муҳр босилган хат қўрқинчли эди, почтачи келтириб берганида, амакимнинг тили қалимага келмай қолган.

Олтимшиччи йилларда отам ва жигарлари Зангиютага бориб, бувам дафн қилинган қабристонни зиёрат қилиб қайтишди. Юрт мустақил бўлгач, эмин-эркин бобомни хотирлайдиган,

Фарида АФРЎЗ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
ўринбосари

